



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil

26-dekabr

№ 52 (4295)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЭЛ ШОД, МАМЛАКАТ ОБОД

Она сайёрамиз кўҳна коннот узра, шоир айтганидек, “яхшию ёмонни елкасига ортиб” меҳварида бетиним айлангани сари не-не замонларни тарих уммонида жойлаб, умримиз манзилларини бебаб боради. XX асрнинг сўнги ўн йиллиги буюк тарих учун қанчалик долғали кечмасин, не-не халқлар, элу элатлар узоқ йиллик шўро истибдодидан озод бўлиб, миллат сифатида абадий унутилиб, йўқ бўлиб кетиш хавфидан халос бўлди.

Жаҳон шу кўҳна дунёда ўзининг яна бир янги тарихига юз тутди. Ва биз, мана, йигирма уч йилдирки, қурраи заминимиз бобо кўш атрофида айланаётган, ўзининг 365 кунлик саёҳат-сафари нирҳасидида Янги кун — Янги йилни осмонимиз мусасффо, қаддимиз юксак, гурур-ифтихоримиз шоён, кўрагимиз озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган ҳолда кутиб олаётимиз. Бундай бахтни ҳис эта олиш ва унинг қадрига ета билмоқлик ҳам, аслида ўзини англаган ҳар бир инсон учун тенгсиз саодат. Ана шу улғу саодатга муассар бўлган халқимиз 23 йилдан буён Яратганга, тақдирига шукрона айтиб, хуриятимиз тарихидаги ҳар бир йилни пок ниятлар тажассуми бўлмиш улкан бунёдкорлик жабҳалари билан бебаёттир.

Юртбошимиз томонидан Соғлом бола йили, дея номланган 2014 йилни кузатар эканмиз, йил давомида ҳаётимиз мазмунига айланган, халқимизнинг пок нияти, шаъну шарафига ҳар жиҳатдан муносиб бўлган шахаримсол қишлоқлар, Ватан кўксини бебаган обод йўл ва кўприклар, муҳташам саннат корхоналари, бунёдкорлик тим-солларига айланган меъморийлик дурдоналари, кенг ва раван проспектлари улардаги йиллик савдо иншоотлари, кўккам маданий-маиший хизмат тармоқларига кўзингиз тушади. Бу йил мамлакатимизнинг ягона темир йўл тизимини шакллантириб, яқин келгусида Европа ва Шарқий Осиё мамлакатларини энг қисқа йўл билан туташтирадиган Ангрен-Поп темир йўлидаги энг асосий, маҳаббатли ишлар поёнига етатиладиган йил сифатида ҳам тарихга киражақ. Жаҳон андозаларидаги муҳташам автомобил йўллари қурилиши, автомобилсозлик ва қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, тўқимачилик, мева-сабзавот ва бинокорлик саноати, фан ва таълим соҳаларида ҳам мамлакатимиз эришган ютуқлар жаҳон аҳлининг эътирофига сазовор бўлаёттир.

Мазкур йилда болалар саломатлигини муҳофаза этиш бўйича амалга оширилган кўп қиррали ва узоқ муддатга мўлжалланган тадбирлар, ўз имкониятларини кенгайтирган ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган она ва бола скрининг марказлари, болалар спорт иншоотлари, фарзандларимиз яйраб дам оладиган болалар, табиятнинг сўлим гўшаларидаги болалар оромгоҳлари кўпайганини

Арафадаги ўйлар

шунчаки қайд этиб ўтишнинг ўзигина етарли эмас. Энг муҳими, Соғлом бола йилида фарзандлар соғлиги, уларнинг маънавий баркамоллиги учун жон куйдириш, зарур шароит яратиш ўзигина англаб етган миллат ва халқ учун нақадар муҳим ҳаётий зарурат эканлиги бутун халқимиз томонидан теран идрок этилди ва бу тўйғу янгича миллати онг ва тафаккурнинг ажралмас қисми сифатида қадр топди.

Ўз юртининг истиқболлини ўйлаган, бунинг учун жонкуярлик қилишни умуминсоний бурч, деб билган халқларимиз фарзандлари бахт-саодатини таъмин этиш, улар учун буюк келажақ яратиш йўлида амалий қадамлар қўйишга қодир бўлади. Шу ўринда дунёда кечаётган жараёнлар, узоқ ва яқиндаги аҳволга ҳам бир қараб кўядиган бўлсак, болалар ўқийдиган, тарбияланадиган мактаб бочалар етишмаётган, қишлоқлар вайронига айланиб, ёшлар туғилган жойинигина эмас, ўз ота-оналарини ҳам ёлғиз қолдириб хору сарсон бўлаётган катта-кичик давлатлар, улардаги нотинчликлар давримизнинг оғриқли муаммоларидир.

Оллоҳга минг шукрларки, биз бундай муаммолардан йироқмиз. Мамлакатимизда бунёдкорлик узлуқсиз жараёнга айланиб, халқ фаровонлиги ва мамлакат ободлигининг ёрқин тимсолига айланди. Агар биргина 2014 йил-

да рўёбга чиқарилган эзгу ишларимиз салмоғига назар ташлайдиган бўлсак, қанчадан-қанча янги саноат гигантлари қурилиб, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг мустаҳкам таянчига айланганидан кўзимиз қувонади.

Президентимиз ташаббуслари билан шу йилнинг май ойида Самарқандда ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти”, шунингдек, июн ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзуларидаги халқаро конференциялар ва бошқа ўнлаб халқаро миқёсдаги тадбирлар юртимизнинг илм-фан, маданият, маърифат, иқтисодиёт соҳаларидаги бетақдор салоҳиятини намоян этиб, жаҳон аҳлини бу кўҳна дунёнинг азалий муаммоларига янгича қўз ва янгича тафаккур билан қарашга даъват этди.

Ўтган якшанба куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов эса, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш ва демократия жараёнларини чуқурлаштириш, халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида изчиллик билан амалга ошириб келинаётган тадбирлар нечоғли самара бераётганидан яна бир далолат бўлди. Бунинг ушбу сайлов жараёнларида фаоллик билан иштирок этган нуфузли халқаро ташкилотлар кузатувчилари ҳам эътироф этишаётгани бежиз эмас.

2014 йил газетамизнинг мазмун-мундарижасида ҳам ўзига хос из қолдирди. Кўп йиллик аъёнларини давом эттириб, ҳафталик саҳифаларида қўлаб янги руҳлар очилди. Домий фаол муаллифларимиз янги мавзуларга қўл урдилар. Муштарийларимиз билан алоқаларимиз янада мустаҳкамланди. Муҳими, адабиёт ва санъат соҳасида жаҳонда кечаётган жараёнлардан сиз азиятларни хабардор этиб бориш билан бирга муштарийларини она юртимиз Ўзбекистон истеъдодларининг ана шу жараёнлардаги ўрни ва ютуқлари билан таништиришга ҳам кўпроқ аҳамият берилди. Саҳифаларимизда “Ўзбекистон ва жаҳон”, “Кўнгил кўзи”, “Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида”, “Жаҳон адабиёти янгиликла-



(ЎзА) олган сурат.

Ўз юртига кўрган болам!

ри” каби янги руҳлар пайдо бўлди.

Яна санокли кунлардан сўнг халқимиз, озод Ватанимиз тарихида унутилмас из қолдирган 2014 йил билан хайрлашиб, Юртбошимиз томонидан Кексаларни эъзозлаш йили, деб номланган 2015 йилни кутиб оламиз. Фидокор, заҳматкаш, кўнгли пок халқимизнинг келаётган Янги йилдан умидлари катта. Эл-юртимизнинг азалий қадриятларига ҳамоҳанг тарзда кексаларга иззат-икром кўрсатиш руҳида ўтадиган бу йил ҳам, шубҳасиз, жаҳон миқёсида она Ўзбекистонимиз мавқеини тобора юксакка кўтариш, мустақиллик йўлида қўйилган қадамларни янада мустаҳкамлаш, халқимиз соғлиги ва фаровонлиги, фарзандларимиз баркамоллиги учун улкан муваффақиятлар йили бўлиб қолади.

Келаётган йилимиз ҳам тинч-осойишталикда кечиш, файзу фаровонлик, ва қут-барақага бой бўлсин!

Ижтимоий ҳаёт бўлими.

БУЮК ЙЎЛЛАР ҲИКМАТИ

Қизилқумда йўл қураётган халқаро ҳамкорлар ҳузурига бораётганимиз боис, “Ибн Синонинг илмий-мероси — башарият учун бебаҳо хазина” мавзуидаги анжуманда иштирок эта олмаган эдик. Ўзбек миллий автомагистрالي таркибидаги “Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнон” йўли қурилишидан қайтарганимиз, шу тадбирлар эсга тушиб, Афшона қишлоғини суриштирдим.

Хилви — чўл ялпизи

Тиббиётга доир кашфиётлардан ташқари кимё, фалсафа, фармакология, астрономия, физика сингари ўндан ортиқ соҳаларда фундаментал асарлар яратган улғу аллома, шоир ва мусикашунос Абу Али ибн Сино туғилиб ўсган қишлоқ йўлимиздан анча четда экан. Бироқ Афшонага қизикганим сабаб суҳбатимиз мавзуи ўз-ўзидан буюк ҳақимнинг илмий салоҳиятига, чўл ва саҳро, тоғ-тошларда ўсучи оддий гиёҳлар ҳам билган одамга мўъжиза эканлигига қаратилди. Шунда дафъатан ҳамроҳим Шерзод Эгамов ўн йилча бурун буйрағида тош пайдо бўлиб, жанрҳолда амалига ҳақиёж сезгани, энг ёмони кейин ҳам тош ҳосил бўлиш тўхтамагани, кимдир хилви япроғини бир ой чой қилиб ичсанг тошдан қутулсан, деганини айтиб қолди: “Дард жонимдан ўтиб кетганди, шундай қилдим. Қаранг, ўн йилдан бери тош нималигини билмайман”.

Дарвоқе, Бухорода ялпизнинг ариқлар бўйида табиий ҳолда ўсадиган тури “хилви”, деб аталаркан. “Миллий

донишмандлик элда сақланади”, деганлари бежиз эмас-да. Халқ ўз тажрибасида кўрган ҳаёт ҳақиқатини асрлардан-асрларга олиб ўтади. Ана шу чўл ялпиз, шунингдек, унинг боғ ва томорқаларда маданийлашган қалампир ялпиз, олма ялпиз каби турлари тиб-четда экан. Бироқ Афшонага қизикганим сабаб суҳбатимиз мавзуи ўз-ўзидан буюк ҳақимнинг илмий салоҳиятига, чўл ва саҳро, тоғ-тошларда ўсучи оддий гиёҳлар ҳам билган одамга мўъжиза эканлигига қаратилди. Шунда дафъатан ҳамроҳим Шерзод Эгамов ўн йилча бурун буйрағида тош пайдо бўлиб, жанрҳолда амалига ҳақиёж сезгани, энг ёмони кейин ҳам тош ҳосил бўлиш тўхтамагани, кимдир хилви япроғини бир ой чой қилиб ичсанг тошдан қутулсан, деганини айтиб қолди: “Дард жонимдан ўтиб кетганди, шундай қилдим. Қаранг, ўн йилдан бери тош нималигини билмайман”.

Дарвоқе, Бухорода ялпизнинг ариқлар бўйида табиий ҳолда ўсадиган тури “хилви”, деб аталаркан. “Миллий

Давоми иккинчи саҳифада.



АЖИНИЁЗ таваллудининг 190 йиллиги

УЛУҒЛИК

Қорақалпоқ оқинлари оқил эл,
Ҳам эъзозу эҳтиромга дохил эл.
Қуйлаганда қуйдирувчи ҳам ўзи,
Қуйлаганда суйдиришчи моҳир эл.

Бир юз тўқсон сўзида бир салмоқ бор,
Сўз билан ҳам бу дунёни оқиб бор.
Ўзбинил оқиндайин сўз айтсанг,
Ҳикмат оила дил кўшида қолмоқ бор.

Мен Мўйноқнинг тупроғига тиз қўқай,
Ай бовурик, нондан олдин ер ўпай.
Ажиниёзу Бердақларни берган у,
Шундай элга дуоларда дил тўқай.

Улуғликини Амусидан олган эл,
Кунботарда қуёш бўлиб қолган эл.
Қумдан қалъа қуриб бутун дунёга,
Эллиққалъа доврўғини солган эл.

Бу дунёни ёшартирган сўз, маъни,
Ажиниёз ардоғи бу — эл шаъни!
Ўзбекистон бағридаги боғ бўлди,
Қадри баланд Қорақалпоқ Ватани.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Озодлик кўйчиси

Жаҳон халқлари шеърятинида озодлик ва ишқ мавзуси ҳамisha бош йўналиш бўлиб келган. Гап туркий тили миллатлар поэзияси тўғрисида кетганда Навоий, Ғузулий, Маҳтумқули, Абай, Бердақ, Тўқай ва бошқа улғу шоирлар қаторида қорақалпоқ халқининг саҳро бўлбули деб ном олган бетимсол кўйчиси Ажиниёз Қўсибой ўғли (1824-1878) номи эҳтиром билан тилга олинади.

Истиқлолга эришганимиздан кейин Кўнхўжа, Бердақ каби қорақалпоқ мумтоз шоирлари мероси билан биргаликда Ажиниёз Қўсибой ўғли адабий меросига бўлган эътибор янада қучайди. Нукусда шоирнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Нукус давлат педагогика институтига Ажиниёз номи берилди.

Яқинда Нукус шаҳридаги Бердақ номи қорақалпоқ давлат мусиқали драма театрида Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 190 йиллигига бағишланган тантанали кеча ва илмий-амалий конференция ана шу фикрнинг ёрқин далили бўлди. Унда таниқли ёзувчилар, олимлар, олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари, шеърят ихлосмандлари иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Баҳодир Янгибоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али маърузаларида қорақалпоқ мумтоз адабиёти улкан вакилининг серқирра адабий мероси, бугунги баркамол авлод тарбиясидаги ўрни хусусида сўз борди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Қорақалпоғистон халқ шоири Кенгесбой Каримов, Ўзбекистон РФА Қорақалпоғистон бўлими раиси Н.Айимбетов, академик Ж.Бозорбоев ўз чиқишларида Ажиниёз ижодининг ўзига хос қирралари ҳақида сўзладилар.

Адабий анжуман якунида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Иброҳим Юсупов либреттоси асосида сахналаштирилган “Ажиниёз” операси намойиш этилди.

Янгибой КҲЧҚОРОВ

Посбонлар ҳузурида

Юртимизда ҳаммамиз учун қадри бўлган байрам — Ватан Ҳимоячилари кунига қизгин тайёргарлик кўриломоқда. Ҳарбий қисмларда ўтказилаётган маънавий-маърифий учрашувларда тинчлигимизнинг қудратли қалқони ҳисобланган Куролли Қучларимиз, шавкат-

ли зобитлар ва сержантларимиз, йигитлик бурчини ўташни шон-шараф деб билган аскарларимиз шаънига самимий гаплар айтилмоқда. Шимолигарбий округ зобитлар уйида ўтказилган учрашув ҳам айнан шундай кўтаринки руҳда ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси номидан халқ шоир ва ёзувчилари, таниқли адиблар сўзга чиқиб, Ватан Ҳимоячиларига бағишланган шеърларидан ўқиб беришди, аждодларимиздан мерос мардлик ва матонат ҳақида гапиришди.

Ўлмас ХҲЖАЕВ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Жайронлар
масканида

Эртаси куни тонгда бухоролик таниқли адиб Тошпўлат Аҳмад билан куни кеча очилган аллома номидаги фаворалар хиёбонини томоша қилиб, турфаранг жило ила кўкка ўрлаётган билур томчилар кўшигини тинглар эканман, даҳоларнинг бебаҳо меросига эҳтиром нафақат катта савоб, айни чоғда, буюк саодат эканини ҳам ҳис этдим. Ноёб дарахтлар, анвойи гуллар, ёғоч ўймакорлигини Бухоро услубида нақшланган айвонлар, савдо расталари кўрк бағишлаган хиёбондаги учта улкан фавора ўттиз метр баландликка сув пурқамокда. Фаворалар кўшигига мусикий оҳанглар жўр бўлиб, ранг-баранг нуллар ёғду таратаётган хиёбон чинакам гўзаллик масканига айланганидан завқ туйиб, буюк ҳақимнинг маънавий меросига у зотнинг она Ватанида гоят катта эҳтиром кўрсатилаётганидан қувондим.

Беихтиёр шу йилнинг май ойида Самарқандда ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида Президентимиз Ислон Каримов Авиченна номи билан жаҳонда танилган буюк бобокалонимиз тиббиёт ва бошқа фанлар тараққиётига қўшган улкан ҳисса ҳақида ифтихор билан сўзланганлари эсга тушади. Бухорода буюк ватандошимиз номи абадийлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Афсона қишлоғида мемориал музей фойалида олиб бормоқда. Бухоронинг марказий кўчаси, кўпалаб илм-маърифат масканларига аллома номи берилган. Вилоят ахборот-кутубхона маркази Ибн Сино номи билан юритилади. Шу жойда буюк ҳақимга муҳташам ҳайкал ўрнатилган. Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ва аллома номи билан аталаётган маданият саройи ҳам қадим шаҳарнинг илм-маърифат салоҳияти ва бетакрор санъатига ўзига хос кўзгу дейиш мумкин.

Шу куни кўп тарихий воқеалар гувоҳи бўлган "Лабиҳову" майдонини ҳам айланиб, бухоролик яна бир авлиёуллох сиймо Хожа Муҳаммад Паррон ҳазратлари мақбарасини зиёрат қилдик. Иншооллох, йўлларимиз ҳамиша ойдin бўлғай... Шерзоджон бугунги йўлсозлик ишлари билан танишувимизни Бухоронинг жадал барпо этилаётган халқа йўлидан бошлайлик, деди. Халқа йўллар... агар ўйлаб кўрсангиз, истиқлолга қадар фақат Тошкент шаҳригина ўз халқа йўлига эга, бироқ у ҳам охирига етказилмаганди. Йирик шаҳарлардан ўтувчи

Бухоро йўлсозлари мазкур бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов" йўлининг Қоравулбозор туманидан ўтадиган 188-208-километрларида ҳам жадал иш олиб боришаётир. Ромитон йўлсозлик ташкилоти жамоаси шу жойда барпо этилаётган 20 километрлик трассани Янги йил байрамига қадар фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлдик.

— Баланд қирлиқдан йўл очасан, оғир юк машиналари ҳаракат гавжми кўчаларни тирбанд қилиб қўяди. Бунинг олдини олиш учун бугун барча вилоят марказларида халқа йўллар қурилиши авжида. Хусусан, Бухорода ҳам. Халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўлларни барпо этишга ихтисослашган Бухоро-Навоий таъмирлаш-бўйсозлар корхонаси ушбу йўлнинг шимол-шарқ қисмини кураётган бўлса, навоийлик кўприк-созлар унинг М-37-халқаро йўл билан кесишадиган чорраҳасида транспортлар тўхтамай ҳаракатланадиган кўприк иншоотини барпо этишаётган экан. Бухоро кўприк ҳўжалигини сақлаш-таъмирлаш корхонаси эса, халқа йўл ва А-380-халқаро йўл чорраҳасида иккита йирик кўприк иншооти қурилишини олиб бормоқда. М-37-«Самарқанд-Бухоро-Туркман» автомобил йўлининг Бухоро тумани ҳудудидаги 241-261-к. Қорақўл туманидаги 311-321-километрларида ҳам иш қизғин. Йўлнинг Олот туманидаги 336-346-километрлари сентябр ойида фойдаланишга топширилган экан. Ромитонлик йўлсозлар трассанинг ўн километрлик қисмини Янги йил байрамига қариб бўлишга аҳд қилишган.

Гўзал жайронларгина эмас, оққушиқдай чиройли бўйинни ғоз тутганча одимлаётган йўрға тувалок, "Қизил китоб"га кирган қўлонлар архар каби Бухоро тоғ қўйларидан тортиб, мўғул отларига қа беҳадик урчиб қўлайиши, экотизимлар хилма-хиллигини муҳофаза қилиш учун ташкил этилган, ов қилиш тақиқланган экан экомарказда барча зарур шароитлар яратилган. Унинг майдони етти минг гектардан

тумшуғи остида мешкопи бўлган йирик сув қушининг икки тури: пушти сақоқуш ва жимжимадор сақоқушлар, фанда фламинго деб аталувчи бўйни ва оёқлари узун, қо пушти тусли қизил ғозлар ҳам экомарказнинг ноёб бойлиги. Кейинги пайтда бу ерга экосайёҳлик мақсадида ташриф буюрадиган халқаро туристлар, шунингдек, ўқувчи ва талабалар сони анча кўпайибди.

Шу чоққача Бухоро тоғ қўйи — алқорлар бутунлай завол топган, деб ҳисобланарди, Бироқ Боботоғ ва Бойсун тоғларида уларнинг жуда оз туғилари сақланиб қолганини эшитган экомарказ ходимлари овчи-мерганлардан сўраб-суриштириб, бир урғочи ва бир эркак алқор олиб келишибди. Эндилдикида уларнинг сони кўпайиб қолган. Архару алқор бир жонивор, кўпчилик тоғ эчкиси дейди. Бироқ Бухоро тоғ қўйининг фарқи шунки, аста-секин ияги тагини соқол қоплайди. У Қизилқум қўйидан шу жиҳати билан фарқланади. Бухоро қўйи ватани жанубий минтақаларимизнинг тоғли ҳудудлари бўлгани учун тоғ қўйи, деб қайд этилган. Улар шохдорлиги, дурқун гавдаси, бақувватлиги ва ноёб гўзаллиги билан шу турдаги бошқа жо-

ниворлардан фарқланади.

Халқимиз тилида "қулон бо-шига иш тушса, қуйруғига сир айтмас", деган мақол бор. Отдан кичикроқ, кўпроқ хачирга ўхшаб кетадиган қулонлар ҳам экомарказ жониворлари турини бойитган...

Йўлсозлар экомарказ яқинидан ўтувчи халқаро трассани барпо этишаётганда она табии-атнинг ноёб жонотлари ҳадик-хавотирсиз яшаб урчиши учун астойдил ҳаракат қилишибди. Йўлнинг 198-километрга ҳозиргина асфалт қопламаси ётқизган Махмуд Искандаров, уни текислаётган Умид Холов ва шибаловчи машинада зичла-

"Шаҳар ва қишлоқларимизда ўсаётган мева ва манзарали дарахтларни қандай эъзозла-са, меҳр қўйиб парвариш қил-сак, қўлу саҳроларимизда сақ-ланиб қолган ёввойи табии-миз бойликлари — саксавул ва бошқа табиий буталарни ҳам шундай асрашимиз керак, — дейди ромитонлик йўлсозлар иш юритувчиси Муртазо Худой-бердиев. — Улар она табии-атнинг бебаҳо бойликларидир".

Саксавулзорлар... Агар сиз Бухородан Хоразм ёки Қашқа-дарё тарафга йўл олсангиз, қўлу саҳродан ўтаётган бўлсан-гиз ҳам, ўзингизни бамисоли қуюқ дарахтзорда бораётгандек

Илгари шўро даврининг йўллари, асосан, ватанимиз бойликларини ташби кетишга мўлжаллаб қурилар эди. Бугунги йўлларимиз эса мамлакат миллий тараққиётини юксалти-ришга, Шарқ ва Фарб, Жануб ва Шимолдаги мамлакатларни сал-моқли транспорт-коммуникация тармоқлари билан боғлаш, юр-тимизнинг транзит салоҳияти-ни яратишга хизмат қилаётир. Президентимиз Ислон Каримов ташаббусларининг амалий ифо-даси бўлган Ўзбекистон — Турк-манистон — Эрон — Уммон янги халқаро транспорт-коммуника-ция йўналишини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битимнинг амалга ошаётгани муҳим геостратегик аҳамиятга эга. Ушбу гоиянинг ҳаётга татбиқ этилиши Марказий Осиё дав-латларини Яқин Шарқнинг иқти-содий фаол кўрфазларидаги бандаргоҳлар билан боғлайди. Бугун Бухоро вилоятининг тўрт тарафида жадаллик билан бар-по этилаётган маҳобатли йўллар ҳам ана шу халқаро трассалар-нинг муҳим ҳалқаси сифатида Ватанимиз тараққиётига катта ҳисса қўшади. Бу ўринда яна бир ангиллики тилга олиб ўтиш-га эҳтиёж бор. Осиё Тараққиёт Банки 232 километрга "Маро-қанд-Навоий-Бухоро" темир йўл тармоғини электрлаштириш мақсадлари учун 2015 йили 150 миллион АҚШ доллари миқдо-рида маблағ ажратишга қарор қилди. Умумий ҳаржати 672 миллион долларлик мазкур бун-ёдкорлик жабҳасига мамлакатим-из маблағлари ва бошқа хал-қаро молия институтлари кре-дитлари ҳам йўналирилади.

Ватанимиз равнақи, халқимиз миллий тараққиётининг ойдin манзилларига кўзгу тутаётган Бухоро йўлларида ҳикмат кўп. Улар хоҳ темир йўл, хоҳ авто-магистрал бўлсин, она юрти-мизнинг бугуни ва истиқболига хизмат қилади. Буюк келажаги-мизга олтин поёндоз бўлиб, за-монларни замонларга боғлайди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ,
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" мухбири

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан ўтказилаётган ўнлаб турли кўрик-танловлар ёшларимиз ўз қобилиятларини намоён этишлари учун катта имконият бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган ўз тенгдошларининг маҳорат сирларини ўрганишда, ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратишда ёшларда бунёдкорлик ва янгиланишларга инсоният фохр туйғуларини уйғотиш, юрт тарихига қизиқиш ва муҳаббат, миллий урф-одат, қадриятларни асраш, ватанпарварлик руҳида тарбия-

ёдорликлар, бетимсол табият манзаралари, буюк алломаларга бешик бўлган муборак замин... Уларни англай олиш ва биз учун сирли бўлган жиҳатларини очиб бериш маҳорати, янги мавзуларни танлай олиш заковати, қундалик ҳаётда кўзларимиз ўрганиб қолган — биз учун оддий, аммо бошқаларга мўъжизавий бўлган гўшаларни ажрата

Шундай қизиқарли лавҳалардан яна бири — хоразмлик Дилноза Мавлонова томонидан суратга олинган "Анахита" рақси" лавҳаси Хоразмнинг ўзига хос санъатининг олис тарихини жонлантиради. Парвозга шайланган афсонавий қуш сингари бир донга гишт устида ўйнаётган раққосанинг ҳаракатлари содда ва гўзал, айни вақтда рақснинг яратилиши ҳақидаги ривоятлар кўз олдингизга келади. Навоийлик Жонибек Шухратовнинг "Зармитан мўъжизаси" лавҳасида Зармитан табияти, унинг дунёга машҳур қатиги ҳосиятлари ва у ҳақидаги эл орасида тарқалган афсоналар сизни бе-



лар, тоғ-тошларимиз бағрида табият мўъжизалари, ўнлаб дарёлар, юзлаб қўллар каби инсон ақлини лол этадиган гўшаларни санаб адоғига етолмаймиз. Қолаверса, янги-янги бунёд этилаётган сайёҳлик марказлари боис кун сайин туризм тизими такомиллаштирилмоқда. Сайёҳлар учун хизматларнинг жаҳон андозалари даражасида ташкил этилиши, яратилган қўлайликлар хорижликларни ҳам хайратда қолдирмоқда. Ўйлаймизки, келгусида видеолавҳаларнинг мавзу доираси янада кенгайиб боради.

Ўзбекистон ва жаҳон

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида туризмни ривожлантириш ҳудудий дастурлари асосида қад ростилаётган янги муҳташам меҳмон-хоналар, фаол сайёҳлик масканлари ҳақида хайратомуз лавҳалар яратиш олдинда турган вазифаларидир. Биргина Қашқадарё вилоятида туризмни ривожлантириш ҳудудий дастури доирасида хориждан ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан келаётган сайёҳларни муносиб кутиб олиш ва вилоятнинг барча имкониятларини намоён этишга қаратилган 167 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Жумладан, вилоят ҳудудидаги ўттизта маданий мерос обидалари қайта тикланмоқда.

"Янги нигоҳ" видеолавҳалар танлови ўз олдида қўйган вазифаларни тизимли амалга ошира бошлаганини таъкидлаш жоиз. Келгусида Ўзбекистонимиз сайёҳлик салоҳиятини намоён этувчи видеолавҳалар манбаи янада бойиб боришига ва юртимизда туризм ривожига катта ҳисса қўшишига ишонамиз.

Хушнов АҚБАРОВ

фарқ қолдирмайди. Айни вақтда Зармитаннинг тоза ҳавосидан нафас олгандай бўласиз.

Фарғоналик Дониёр Одиловнинг "Энг гўзал, буюк ва бетакрор", сурхондарёлик Жонибек Қўзимуродов ва Бехруз Каримовларнинг "Термиз — жануб дарвозаси", хоразмлик Бобур Исмоиловнинг "Қадимий Хива" асарлари Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг гўзаллигини улуғлашда бошқалардан ажралиб турган бўлса, юртимизнинг экотуризм имкониятлари пойтахтлик Абдулазиз Дўсовнинг "Энг гўзал сурат", навоийлик Дилқуш Наврўзовнинг "Юрт жамоли мусаввир мўйқаламида" деб аталган лавҳаларидир. Бу борада навоийлик Дилдора Каттаеванинг "Келин салом", наманганлик Маъмур Эргашевнинг "Ош

танлови" лавҳалари миллий қадриятларимизнинг нақадар дилга яқин ва ҳикматга бойлигини муҳассам этган. — Жорий йилда илк бор ўтказилган "Янги нигоҳ" танлови келгусида янада ривожланиб бориши келсە, — дейди "Қамолот" ЁИХ Марказий кенгаши масъул ходими Барно Ёкубова. — Юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам дунёга намойиш қилсак арзийдиган зиёратгоҳ-

олиш зукколиги танловга тақдим этилган аксарият ишларда сезилиб туради. Ўн ёшдан ўттиз ёшгача оддий ҳаваскорлардан тортиб малакали тележурналистлар эътиборини тортган танлов ўз якунига етганида мамлакат туризм салоҳиятини тарғиб этувчи 300 га яқин видеолавҳалардан иборат катта манба йиғилди.

Тақдим этилган ишлар орасида қорақалпоғистонлик Динмуҳаммад

УНУТИЛМАС ЛАВҲАЛАР

лашда бундай тадбирлар катта аҳамиятга эга.

"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшмача чора-тадбирлар тўғрисида" ги Президентимизнинг қарори билан тасдиқланган Дастур доирасида ўтказилган "Ўзбекистонда ёшлар туризмининг ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги видеолавҳалар танлови", аввало, қизиқарлилиги, мавзу жиҳатидан кенг қамровлиги билан бунёдкорлик ишларимиз, юртимизнинг беназир табияти, миллий анъаналари, тарихи ва келажагига ёшларимизнинг янгича нигоҳини яққол намоён этди.

"Янги нигоҳ" танловида юбонилган ранг-баранг видеолавҳалар билан танишар экансиз, серқуёш юртимизнинг нақадар улкан имкониятларга бойлигига яна бир бор гувоҳ бўласиз. Биринчидан, лавҳаларда қадимги тош-бириклардан тортиб мустанқилик йилларида бунёд этилган хашаматли бинолар, мажмуалар қаторида чекка қишлоқлардаги асрий арчалар, минг йиллик тут дарахтлари, ажойиб шаршаралар тасаввурингизни бойитади. Беихтиёр ўша мўъжизаларни бориб кўргингиз келади, афсонавий мамлакатда яшаётганингиздан гурурланасиз. Ҳали юртимизда ўзимизга ҳам номаълум гаройиботлар талайгина эканлигига иқдор бўласиз.

Юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти юксак. Қадимий обидалар, меъморий



Сиддиқовнинг "Туялар" деб номланган лавҳаси ҳеч қимми эътиборсиз қолдирмади. Киска вақтга мўлжалланган лавҳада туя сутининг минг дардга даволғи илмий жиҳатдан исботлаб берил-лиши билан бирга унинг жундан тайёрланган матолар, рўмол, ҳатто машина ўриндиқларига ўрнатиладиган суякчиқларда ҳам фойдаланиш мумкинлиги намунали кўрсатиб берилганки, бу томошабинни бефарқ қолдирмайди. Мазкур лавҳанинг инглиз тилида тайёрлангани эса хорижий сайёҳлар учун ҳам тушунарли ва қўлайдир.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



МУНОСИБАТ ТАНЛАНДИ

Азалдан маълумки, ижодкор учун халқ эътирофига сазовор бўлишдан ортиқ бахт йўқ. Ижодкор қамолоти кенг маънода юрт равнақининг ҳам ифодасидир. Зеро, чин санъат замирида ҳамиша инсон манфаати устувор аҳамият касб этади. Ватанга муҳаббат, эл-юрт истиқболига ишонч туйғусига йўғрилган ижод намунаси эса санъатнинг қайси турида яратилмасин, албатта, муҳлислар қалбидан жой олади. Ўтган йили мамлакатимизда илк бор ўтказилган "Эътироф" мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Танлов юртимиз ижод аҳлининг ўзига хос санъат анжуманига айланганига гувоҳ бўлдик. Жаҳонга машҳур санъат танловларининг аксар қисми маълум бир ижод турини қамраб олади. "Эътироф" мукофоти эса турли ижод соҳалари вакиллари, созанда ва хонандалар, рассо-му ҳунармандлар, спорт уста-лари ҳамда маданият ходимларини бир майдонга жамлайди. Мукофот соҳиблари айнан йил якунида эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Танлов мамлакатимизда йил давомида кечган маданий жараёнлар, уларнинг натижаси борасида ҳулоса чиқариш, янги мақсад ва вазифаларни белгилаш учун имкон яратади.

"Эътироф" мукофотининг бу йилги соҳиблари номи ҳам тез орада маълум бўлади. Ҳозир барча йўналишлар бўйича мукофот номзодлари маълум. Бугун пойтахтимиздаги "Истиқлол" саройида ғолибларни эълон қилиш ва тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтади.

ЯНГИ АСАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-маси Драматургия кенгашининг навбатдаги йиғилиши таниқли адиб Эркин Самандарнинг "Са-марқанднинг иккинчи осмони" номли янги драматик асари муҳокамасига бағишланди.

Драматургия кенгаши раиси Шухрат Ризаев кириш сўзида Эркин Самандарнинг янги дра-маси ҳақида қисқача маълумот берди. Мазкур асарнинг бош қаҳрамони — Алишер Навоий. Буюк шоир ва мутафаккирининг Самарқандда таҳсил олган йил-лари ҳақида ҳикоя қилинади. Песада ўрта асрлар Хуросон ва Маворауннахрдаги тарихий му-ҳит, муҳим воқеалар қаҳрамон-ларнинг диалоглари ва ўзаро муносабатлари орқали намоён бўлади. Академик Азиз Каюмов

Ахборот хизмати.



АЖИНИЁЗ

Қорақалпоқ юртида элини шарафлаб, элларга танилган шоирлар бисёр. Қуйидаги мисралар улардан бири — қорақалпоқ адабиётининг муштор вақили, атоқли шоир Ажиниёз Қусибой ўғли (1824—1878) қаламига мансуб:

Ёлгон сўзни ишонтириб айтмаган,
Тўғри йўлдан бош кетса ҳам қайтмаган,
Номаҳрамни сира йўлдош тутмаган,
Номи қорақалпоқ элларим бордир.

Мўйноқ туманида таваллуд топган шоир Хивадаги Шерғоzi мадрасасида тахсил олган, қорақалпоқ зиёлилари орасида биринчилар қаторида охунд даражасига эришган, ўзбек, қozoқ, туркман тилларини пухта эггалган.

Ажиниёз адабий меросидан бизгача юзтага яқин

шеър ва достонлар етиб келган. Бу асарларида алоҳида шоир миллий ва умуминсоний қадриятларни тараннум этган. Айниқса, халқона тилда, жозибали оҳангларда битилган “Қиз Менгиз билан айтимув” синағари асарлари халқ орасида жуда машхур.

Атоқли қорақалпоқ шоирининг шеърларини ўзбек китобхонлари ҳам севиб мутлола қилади. Ўзбек тилида нашр этилган “Танланган асарлар”и ўқувчиларнинг маънавий мулкига айланган. Ёзувчи Кароматдин Султоновнинг “Ажиниёз” номли роман ёзгани, машхур шоир Ибройим Юсуповнинг шу номдаги опера либреттоси яратгани устоз шоирга алоҳида хўрамат ва эътиборидан далолатдир.

Қуйида Ажиниёз ижодида алоҳида асари билан янги таржималарни ўқийсиз.

РАНИ-БАРАНИ ОЧИЛГАН БОҒЛАР

ЭЛАРИМ БОРДИР

Сўрасанг элимин, Қожбан, бизлардан,
Қалпоғи қозондай элларим бордир.
Хато чиқса, кечиринглар сўзлардан,
Хитой, Қўнғирот отли элларим бордир.

Яйловим кенг, Урганч, шимол—денгиз,
Яғрини қопқоқдай моллари семиз,
Рухсатсиз бирон-бир ерга босмас из,
Бириксан Қўнғирот элларим бордир.

Не изласанг, топилади кераги,
Қўлида бор қанқалдоғи, ўрдаги,
Қўларни, қозларни бутун юраги,
Жонворларга макон қўлларим бордир.

Ёлгон сўзни ишонтириб айтмаган,
Тўғри йўлдан бош кетса ҳам қайтмаган,
Номаҳрамни сира йўлдош тутмаган,
Номи Қорақалпоқ элларим бордир.

Сўйлаганда бол айлайди сўзингни,
Қўрғанингда дол айлайди ўзингни,
Навбахори тўйлариди қўзингни,
Лайли, Зулайҳодай қизлари бордир.

Отта минган очамайли-қийтда,
Қўлдовин-мийтану бор Қўнғиротда,
Хитой, қилчок, кенасасу мангитда
От кўтармас белли беклари бордир.

Гудари белбоғи тиззага тушган,
Бўйи оқ теракни оралаб ўсган,

Ганим кўрса қайнаб, дарёдай тошган
Қўнғиротнинг орли полвони бордир.

Ёлга тушса, қўнғим тоғ каби ўсган,
Қўзим қўрмагунча қўқайим кесган,
Йилда мева тугиб, уч бора пишган
Оти сўтилмакдай емишим бордир.

Сарқовуз бўйида сояли терак,
Тилини тарс ёргувчи ползу палак,
Қирларда қизариб пишди гурвак,
Қовундай мазали емишим бордир.

Мол эгасин топар, сўз топса вафо,
Гийҳида шифо, қўшида сафо,
Денгиз этагиди ҳаво мусаффо,
Буларнинг барчаси элимда бордир.

Жилва айлаб ҳар не борин саз этган,
Йигитларнинг қўнғили баҳор—ёз этган,
Қўшин кериб, ишва билан ноз этган,
Боғларнинг ичинда қизлари бордир...

Насиб айлаб сизнинг элларга келган,
Ким яхши, ким ёмон фарқини билган,
Ҳар не борин сизга баён айлаган
Қалпоқнинг камини Зевари бордир.

БЎЛЎР

Қора тоғнинг баланд боши
Қорли бўлур, қорсиз бўлур.
Бир эр йигит ёт элларда
Молли бўлур, молсиз бўлур.

Баҳор ўтиб, келса ёзлар,
Соланишар сарвинозлар,
“Қув-қув”лаган оқду-ғозлар
Қўли бўлур, қўлсиз бўлур.

Хоразмда қолди жойлар,
Чекар бўлдим оҳу войлар,
Тоғ бошидан оққан сойлар
Сели бўлур, селсиз бўлур.

Карвонлар кечар қўлларда,
Сўқсулар учар қўлларда,
Бир эр йигит ёт элларда
Тили бўлур, тилсиз бўлур.

Ёт элларда эр йигитлар
Юрагига солур дардлар,
Бўйни гажак тулпор отлар
Ёлли бўлур, селсиз бўлур.

Кимга атай арзи ҳолим,
Қўнғилда кўп қийду қолим,
Ўтган умр — захру болим
Тотли бўлур, тотсиз бўлур.

Ғариб Зевар ҳар кун йиғлар,
Юрагимда қўнғир доғлар,
Ранг-баранг очилган боғлар
Гулли бўлур, гулсиз бўлур.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам Мусурмон таржимаси

Тирик сатрлар

— Зебо?
Қиз акасига қулиб қаради.
— Арчани яхши безатибсизлар!
— Ҳа, энди... Ўзим яхши кўраман арча безатишни! Янганг иккаламиз безадик. Э, бугун уч соат вақт шунга кетди, — Оқилхон аллақандай маъсулани креслога қўлди. — Энди, бу ишнинг ҳам бир қисми бўлди...
Зебо акасининг ҳурмати учун сўзига бош ирғаб, сўзига ўтирди.
Янғаси келди.
Бир соатдан кейин Зебо хонада ёлғиз қолди.
...Акаси билан янғаси жуда қадрдон бир ўртоқлари уйига айтиб қўйгани, ўтган йили бу ерга келгани билан...

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

БАХТЛИ БЎЛИНГЛАР

ўзларини тоғда яшаётгандай ҳис қилишадими? Ана, акаси билан янғаси турадиган иморат. Бу иморат Зебога яқин, азиз қўрғини кетди. Худди ўз уйига етгандай мамнун бўлиб бир тўхтади, чап қўлидаги оғиргина чамадонини ўнг қўлига олди.

Зиналар. Эшик. Зебо оппоқ тугмачани босди. Ичкарида қўнғирок жиринглади. Шип-шип қадам товушлари келди. Ниҳоят, нимадир китир этди ва эшик очилди.

— Э, Зебо! — бақириб юборди акаси.
У яхши кийиниб олган, эғнида қора костюм, бўйнида қизил галстук, оёғида ялтироқ туфли.

Ака сингилсининг пешонасидан ўлди. Йўлакка қараб қўйиб, эшикни бекитди.
— Янганг уйдими, ака?
— Уйда... кийиняпти! Шарифа! Зебо келди! — Оқилхон Зебога қулиб боқди:

— Тўғри қишлоқдан келясанми?
— Ҳа, — деди Зебо ҳам қулимсираб. — Янги йилни кўргани келдим. Майлими?
— Э! — деди ака. — Зўр иш қилибсан-да, сингил! Энам қалай? Бойбой тузукми? Палтойингни еч! Этикни ҳам. Ана шундай. Энди менга бер! Мана бу ерга илиб қўямиз. Совқотибсан-а? Ичкарига ўт!

Оқилхон ҳовучига йўталиб қўйиб, унга зални кўрсатди. Ўзи чап қўлидаги йўлак билан бориб, ётоққа кирди. Эшикни зичлаб, хотинига шивирлади:

— Зебо келди.
Шарифа синик қулимсиради.
— Аямлар юборибсизми?
— Янги йилни ўтказгани кепти.

Аёл эрига маъноли тикилди. Эр чимирилиб, бурнини қашиб қўйди.
— Парво қилма. Зебо уйда ўтиради, — деди.
— Ёлғиз... Қанақа бўларкан?

— Ҳим, билмадим энди... ўтиришга обориб бўлмайди. Умарни биласан, одамларни саралаб қачирган. Кейин, умуман, Зебо у даврага тўғри келмайди.

— Бари бир... нимадир қилиш керак. У ёлғиз ўзи ўтирмайди-ку, Янги йилни кутаман деб келган бўлса?

— Ҳим-м, қўнғилларнинг ҳам у тенги қизлари йўқ, — Оқилхон кескин қўл силтади. — Бир йўли топилаб. Айтмоқчи, биз вақтли қайтамиз-ку? Иккига қолмай етиб келамиз... — У қувониб кетди.

— Умарнинг эси бўлса бир соат ўтирмай туриб, «айланамиз!» деб қолади. Ўтган йили ўзимизникида ўтиргандаям шундай бўлганди.

— Ҳа-я. Ундай бўлиши ҳам мумкин. Тўхтанг, унга ўзингиз тушунтириб айтинг, мен айтолмайман.
— Яхши. Қийин тезроқ. — Оқилхон қайтиб залга борди.
— Ҳозир янганг келади... Кийиняпти. Ўтир!

Зебо хона ўртасида қоти турар, бурчдаги одам бўйи арчага тикилиб қолган, арча бамисоли қўнғирқоқдек безатилган эди.

лишгани, бормасалар бўлмаслиги, лекин узок ўтирмай қайтиб келишлари ва Зебо билан бирга Янги йил байрамини шу ерда давом эттиришларини айтиб, Зебодан қайта-қайта уэр сўраган бўлишди.

Зебо уларнинг сўзини эшитиб турди-да:

— Йўқ-йўқ, мени ўйламанглар, акажон. Раҳмат, — деди. — Биламан. Мен ҳам дугоналарим уйига қачирсам, сингиллар бошлаб бормайман-ку. Янғажон, бороверинглар. Мен уйда ўтирмаман. Зериксам қўчаларни айланиб келаман.

— Ёки... Шарифа, шу ерда қиттак-қиттак қиламизми? Келинлар!
— У чап қанот девор остиди турган стол бошига борди. Иккиланди. — Ҳозирдан-а, Шарифа?

— Иккитерингиз, — деди хотини.
Зебо акаси бу ишни ўзи учун қилаётганини фаҳмлади.

— Акажон, қўнғинг. Вақтида ичганингиз яхши. Кечикиб қоласизлар, бориңлар!
Хайрлашаётми Оқилхон сингилсининг пешонасидан ача ўлди. Шарифа ҳам унинг елкасидан қучиб қўйди.

Акаси билан янғасининг кетиб қолгани Зебога оғир ботмади. Қайтага уйда ёлғиз қолгани унга ёқди. Қизиқиб, яна арча қошига борди. Бутқок танасига ёпишиб турган тулғига тикилиб: «Ўлмабсиз!» деди. Бурнига чертмоқчи бўлди. Лекин арча устига ташлаб қўйилган ялтироқ қороз шилдираб кетиб, арча титради. Қиз тезгина қўлини тортди олди.

Сўнг арчани ўраб олган митти лампочкаларни ёлғиз қўйди. Ҳали акаси ёқиб кўрсатган эди. У иккилик телевизор қошига борди. Палда ётган штепселни олиб, токка тиккан эди, қорайиб-яшиланиб турган арча лоп этиб қизарди. Унинг шохлари, бутқолари, барглари орасига яширинган лампочкалар бодраб ёнди.

Зебо ҳаяжонга тушиб, арча қошига қайтди. Ундан қўз узолмай қолди: мунча чиройли!

«Одамлар билади-я? Ҳамма нарсани чиройли қилишди», деб ўйлади у.

Ярим соатдан кейин Зебо ўй чироқларини ўчириб, эшикни қўлфлади. Зиналарни бир-бир босиб, пастга тушди. О! Рўпарадаги деразаларда чироқлар ёнибди-ку! Ҳаммасида арча бодир-а? Анави дераза — қора. Эгаси ўлиришга кетган. Анави уйдаям одам йўқ. Улар ҳам янги йилни ўтказиб қайтишда ҳали.

У кўчада қанча вақт айланиб юрганини билмайди. Бўралаб ёғётган қор тағида жунжикиб ҳибонда кетаркан, йўл ёқасида қўнқайиб турган фанер уйча олдида тўхтаб қолди. Уйчаннинг битта деворига арча кўтариб кетаётган айиқча су-



Гўзал ЭРГАШЕВА

МУСТАҚИЛ ВАТАНГА ТЕНГДОШЛИГИМ БОР

ЎЗБЕКИСТОН

Осмонни тўлдириб, тоғдек келиман,
Гуриллаб ё гуллаб, боғдек келиман,
Сенга бирор нафим бор, деб келиман,
Ўзбекистон, юмшунини айт менга,
Фарзанд бўлиб бажармоқлик шарт менга.

Денгиз илинжида дарёлар тошар,
Қалбда ёшлик деган дунёлар тошар,
Бағрингда ор ичган оловлар яшар,
Ўзбекистон, тилагини айт менга,
Фарзанд бўлиб бажармоқлик шарт менга.

Тумарисдек ёвқур, оташлигим бор,
Белимда қирқ қилич — қирқ сочилигим бор,
Мустақил Ватанга тенгдошлигим бор,
Ўзбекистон, изҳорингни айт менга,
Фарзанд бўлиб бажармоқлик шарт менга.

ИҚРОР

Узоқдан тулпорлар кишнаб келади,
Ҳавони кўксига муштлаб келади.
Нақ осмон бўғиздан қўшлар келади,
Нега мен ёништа келмас эканман?

Ҳадимни қадимдан оширган ўзи,
Қадрини қадимдан оширган ўзи.
Охири пойига бош урган ўзим,
Ҳали муҳаббатни билмас эканман.

Кўз очсам қўзимга фалак қўринар,
Юлдузнинг юраги ҳалак қўринар.
Мардларнинг қўзидан юрак қўринар,
Мен аввал парво ҳам қилмас эканман.

Махтуб билан қайтган қаптар шекилли,
Аҳволи мендан-да баттар шекилли,
Олов бўладиган пайтлар шекилли,
Ёнаётган битта менмас эканман...

БУ ВАТАНДА...

Бир ёт одам босолмайди оёгини,
Чинорларни тортиб борар қучли лашкар.
Бу Ватанда арслонқалбат йигитлару,
Сочларига қилич бойлаб қизлар яшар...

Ой осилгай ой қизларнинг балдоғига,
Ишқ гуллайди муҳаббатнинг қорбоғида.
Бу Ватанинг тилсимли, дур туфроғида,
Мозийлардан сўйлаб мангу излар яшар.

рати солинган. Иккинчи томонида қуёнча билан қўл ушлашиб турган Қорқиз! Учинчи томонида каттақон Қорбобо!

«Шу ерда арча сотишган. — ўйлади қиз. Одамлар олиб кетишган!» У хўрсинди — тоғда ўз бошига ўсиб ётадиган арчаларнинг бу ерда танқислиги қизга жуда ёқиб кетди.

У жойидан жилган ҳам эди, рўпарадан келаётган йигит унга урилиб кетаёзди. Унинг ҳам қўлида... арча. Кичкина арча. Ҳа, бировнинг уйига

киради... Эски йил ўтади! Кизнинг яна йилгагиси келиб кетди. Ҳикиллаб яна деразага қаради.

У нега қараб турибди? Нимани кўтапти? Ахир, ўзи ҳам нимадир қилиши керак-ку? Нима? Кийини керакми? Кийими устида, ёмон эмас. Тўғри, қўйлақ этаклари янғасиникига ўхшаб калтамас. Лекин тузук. Сочи... турмақлаб олса бўларкан. Майли, энди вақт ўтди.

Нимадир қилиши керак! Чироқни ёқсинми? Унда... улар ҳам Зебони кўришди. Ёлғиз экан дейишди. Бу иши тўғрима!

Ахир, у мана шу манзарани — Янги йил кутти дақиқаларини, одамларнинг қувониб қадаҳ қўқиштиришлари, табрик қилишларини кўрмоқчи эди-ку!

Яна-тагин... бу манзарани шаҳарда аллақандай дераза ортида туриб кўрмоқчи эди. Шу орзусига етдими ҳозир?

Лекин ўзи ҳам буларга қўшилиши керак-ку?! У шошиб стол ёнига борди. Ҳа-а! Ана, ичимлик! Ана идишчалар. Унга мана шу нарсга етмаётган экан. Йўқ, у ичолмайди. Ичиб кўрмаган. Нафаси бўғилиб қолмасин тагин. Ёки маст бўлиб қолса, шармандалик! Акаси нима дейди.

Яхши эмас. У столдан оппоқ чинни пиёлани олгани, ошхонага ўтгани, чироқни ёқиб, водопроводдан пиёлага сув қўйиб олгани, тагин дераза ёнида пайдо бўлганини сезмай қолди.

...Ана, одамлар уёқда... Зебо қўлидаги қадаҳни олдинга узатди: — Бахтли бўлинглар! — деди. Қўзларидан тир-кираб ёш чиқиб кетди. — Омон бўлинглар, — шивирлади у ва гарангсиган қўйи сўз айтишда давом этди: — Сиз ҳам, сиз ҳам... Акажон, сиз ҳам! Янғажон, сиз ҳам омон бўлинг! Эна! — беихтиёр аллақаёлларга қараб олди. — Отажон сиз ҳам.

У бахтиёр эди. Унинг қўллари қалтирар эди. Пиёлани секин лабига элтди-да, муздек сувни ичиб юборди.

Ташқарида қор ёғар, ҳар бир уй, ҳар бир гўшада байрам. Зебонинг акасиам дўстлари даврасида, янғаси ҳам ўша ерда. Йироқда... қишлоқда ота-онаси ҳам байрам шодлиғасида. Зебо бу ерда, лекин у ҳозир ўзини қизғин митти чироқлар ёниб турган нимқоронғи уйдасам, ўшаларнинг даврасида, йўқ, анави нотаниш одамларнинг, бутун шаҳар, бутун қишлоқ уйларида, чех-расида Янги йил, янги бахт завқи гулгунлар одамлар орасида ҳис этили, уларнинг ғала-говури ичидида ганиб ўтирар, ўзигина уларга бахт-саодат тилаб қолмай, уларнинг ҳам ўзига бахт-саодат тилаётган сўзларини эшитар, бутун вужуди, фикри-закри, борлиги билан байрам, Янги йил қувончига қўлғаниб қолган эди.

Ҳақиқатан ҳам кечаси соат иккидан кейин эшик ортидан қадам товушлари келди. Янғаси ва акаси бошчилигида бир қанча эркак ва аёллар гулгул очилиб киришди.

Байрам давом этди! Эрталаб Зебо қишлоққа қайтди. Таниш бекат. Автобус. Таниш йўл. Довон. Бийдай чўл. Қишлоқ. Уйлари. Отаси. Онаси. Бувиси.

Таъна. Ташқарида қор гулгиллаб ёғмоқда. Зебо танча ёнида мудраб ўтирибди. Унинг хаёлида китобларда ўқигани ёхуд одамлардан эшитгани бошқа манзаралар...

Ш.ХОЛМИРЗАЕВ (1940-2005) Сурхондарё вилоятида туғилган. ЎзМУнинг журналистика факультетини тугатган. «Олис қолдулар остида», «Ҳаёт абадий», «Оғир тош қўчса...», «Йўллар, йўлдошлар», «Бодом қишида гуллади», «Тоғларга қор тушди» сингари ҳикоя ва қиссалар тўпламлари, «Сўнги бекат», «Қил қўнғир», «Йўловчи», «Олабўжи», «Динозавр» номли романлар муаллифи.

“ЯХШИЛИК АЙЛАГИЛ, ОЛДИНГДАН ЧИҚАР”

Мумтоз Шарқ адабиётининг забардаст сўз санъаткори, улуғ мутафаккир, нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад Жомий (1414-1492) Нишопур яқинидаги Жом шаҳрида туғилиб, Хиротда яшаган ҳамда шу ерда машҳур шоир ва аллома бўлиб етишган.

У Хиротда Хожа Алоуддин Али Самаркандий, Шаҳобиддин Мухаммад Жожармий каби устодлар қўлида таҳсил олади. Самарқанддаги Улугбек мадрасасида Мирзо Улугбек, Қозизода Румий, Али Қушчи каби қомусий олимлар маърузаларини эшитишга мурасид бўлади. Машҳур мударрис Фазлulloҳ Абуллайсодан фикр, Куръон, ҳадис ва араб тили бўйича сабоқ олади. Бу ерда у тил ва адабиёт, дин ва тасаввуфга оид фанларнигина эмас, айна пайтда риёзиёт, фалакиёт, фалсафа ва фикр асосларини ҳам ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганган ҳамда илму адаб аҳлининг турли мавзулардаги бахсу мунозараларида қатнашиб, етук ва серқирра илм соҳиб сифатида танилади.

Сиймолар

Алишер Навоийнинг ёзишича, Жомий гарчи зохир юзидан Саъдийдин Кошгарий мурди бўлса-да, аслида увайсий бўлиб, Баҳовуддин Нақшбанд руҳониятидан тарбия топган, ўз даврининг улуғ алломалари билан мулоқот қилган. Хожа Ахрор Валий билан яқин муносабатда бўлган. 1476 йили Алишер Навоий унга мурид тушиб, расман нақшбандия тариқатига кирган.

Абдурахмон Жомий Алишер Навоий маслаҳати билан ўз шеърларидан урта девон тузади: “Фотиҳат уш-шабоб” (“Ёшликнинг бошланғичи”), “Воситат ул-икд” (“Ўртадаги дур”) ва “Хотимат ул-хатт” (“Хатт хотимаси”). Бу девонлардан шoirнинг 1805 ғазал, 274 рубоий, 137 китъа, 53 қасида ва бошқа турли жанрлардаги жами 2340та асари ўрин олган. Жомий еттигача дoston, тасаввуфга доир қўллаб асарлар ёзган. Жумладан, “Нафаҳот ул-унс” таъкирасида 616 нафар шайху авлиё ҳақида маълумот берилган.

Жомий нуктадон ва нозиктаъб адабиётшунос ҳам эди. Унинг “Рисолаи аруз” асари аруз ҳақидаги энг мукаммал қўлланмалардан ҳисобланади. У муаммо жанрига бағишлаб тўртта рисола ёзган. “Шарҳи рубоийи”да ўз рубоийларини ваҳдати вуҷуд таълимоти асосида шарҳлаган. Яна қўфия ҳақида махсус рисола ёзган. Шарқ сўз санъатидаги бир неча машҳур қасидаларга алоҳида-алоҳида шарҳлар битган. Саъдийнинг “Гулистон”ига назира тарзида яратилган “Баҳористон” пандномасининг шеър ва шоирлик ҳақидаги еттинчи бобида ўтмиш ва замондош шоирларга,

ижодининг асосий йўналишидан келиб чиқиб, ҳолис илмий баҳо берган.

Алломонинг мусиқа ҳақидаги рисо-ласи (“Рисолаи мусиқий”) Шарқ муси-қаси тарихида муҳим аҳамиятга эга. Мусиқа масалаларига бағишланган “Нақши Мулло” (“Нақши Имом”) аса-ри ҳам машҳур. У мусиқада Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ва Абдулқодир Мароғий аъёнларини давом этти-рган ва ривожлантирган.

Жомий асарларининг умумий сони 100 га яқин деб тахмин қилинган. Алишер Навоий “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” (“Беш ҳайрат”) асари-да уларнинг 38 тасини санаб кўрсата-ди. Кейинги тадқиқотлар натижасида уларнинг умумий адади 48 тага етди.

Буюк адиб асарлари таржимасини ўз даврида Алишер Навоий бошлаб бер-ган эди. XIX асрга келиб Оғаҳий шoir-нинг “Юсуф ва Зулайхо” ҳамда “Сало-мон ва Абсол” дostonлари ва “Баҳо-ристон” пандномасини ўзбекчалаштир-ган. Унинг ҳаётини ва замондош Раҳ-монкул қори эса “Нафаҳот ул-унс”ни таржима қилган.

XX асрнинг иккинчи ярмида ғазал, китъа ва рубоийларидан намуналар, “Силсилат уз-заҳаб”, “Искандар хирад-номаси”, “Юсуф ва Зулайхо” дoston-лари, “Баҳористон” асаридан парчалар таржима қилиниб, “Танланган асарлар” номида чоп этилди. Асарларни Фафур Фулом, Васфий, Чустий, Ҳабибий, Ул-фат, Боқир, Анисий, Шоислом Шому-хамедов, Назармат каби мумтоз шарқ адабиётининг билимдонлари таржима қилганлар. Ш.Шомухамедов таржима-сида Жомийнинг “Баҳористон” асари икки марта босилиб чиқди. “Инжулар уммони” тўпламидан Жомийнинг 14 ғазали, 15 тадан китъа ва рубоийси, “Силсилат уз-заҳаб”дан катта шеър-ий парча ва “Искандар хирадномаси” дostonидан парчалар ўрин олган.

1989 йили Абдурахмон Жомийнинг “Мақсуд дил...” номли китоби нашр этилди. Ундан шoirнинг ғазаллари, китъалари, рубоийлари ва ҳикматла-ри жой олган. Ж.Қувноқ таржимаси-да 29та, Т.Қаҳҳор таржимасида 24та ғазал, шунингдек, турли асарларидан олинган ҳикматлари таржимаси бе-рилган.


Жомийнинг йирик асарлар – дostonларидан намуналар ҳам ўзбек ти-

лига таржима қилинди. Ш. Шомухаме-дов “Искандар хирадномаси”, О.Бўри-ев “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Маж-нун”, “Соломон ва Абсол” дostonла-ри таржимасини ўзбек ўқувчилари эътиборига ҳавола этдилар. Матншу-нос олима Ҳ.Мухторова Фаҳриддин Ироқийнинг “Ламаъот” (“Шуълалар”), асарига Жомийнинг ёзган шарҳини таржима қилган. “Гулшанинда сўлма-син гул” тўплами (2008) эса 201 ғазал ва 100 китъа, 260 рубоий ҳамда ҳик-матларидан иборат. Биз бу борадаги изланишларимизни давом эттириб, ўз таржималаримизга шoirнинг яна 23та ғазалини қўшган ҳолда “Мухаббат маз-ҳаби” номи билан алоҳида тўплам сифатида нашр эттирдик (2011).

Ҳ.Неъмат шoirнинг 120та ғазалини ўз таржимасида ўзбек ўқувчилари ҳукми-га ҳавола қилди.

Абдурахмон Жомий инсоний фазилат ва иллатларни фалсафий таҳлил қилиб, ҳар бири мақол даражасидаги шаклан гўзал, мазмунан теран, бадийий юксак ва

Навоий ва Абдурахмон Жомий. Мусавир И.Қириқсиди



таъсирчан ҳикматлар яратган мутафак-кир шoirдир. Ҳикматлари ҳаётдан олин-ганлиги, ихчам, гўзал ва таъсирчан бир шаклда назм шиклига берилгани ту-файли бир ўқигандаёқ ўқувчини ўзига жалб қилади ва хотирасида нақшланиб қолади.

Қуйида мутафаккир шoirнинг турли асарлари ичида келган ҳикматли мисра-ларининг ушбу сатрлар муаллифи томо-нидан амалга оширилган янги таржима-лари билан танишасиз.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Абдурахмон ЖОМИЙ ҲИКМАТЛАР

Бир кун кулиб толе, битар дил чоки,
Юз банди замоннинг очилар хаттоки.
Бошининг оёғу курс қил тиззангини,
Мақсад этагига қўлинг етсин токи.

Дунёда китобдан-да азиз ёр йўқдир,
Ғамхона даҳрда чин мадалдор йўқдир.
Қолганда киши танҳо — китобдан доим
Юз роҳат етару сира озор йўқдир.

Гарчи зилол сувдек тотли сўзинг бор,
Малолик келтирар топса у тақдор.

Донлар ҳикмати машҳур ҳар бода,
Дано ўзи гўрда, илми китобда.

Маъно денгизи лиқ сўз сабаб дурга,
Фазл қўлогига ҳар бири сирга
Бу фалак садафи шу кунгача, бас,
Сўзлан қимматбахо дур кўрган эмас.

Агарда бахтимга очай десанг йўл,
Кеча-қундузининг уч қисмига бўл:

Бирини илм ўрган — ғафлатда ётма,
Чунки билимсизлик айбдор, унутма.
Иккинчисини эт амал учун сарф,
Учинчиди ўргат билимсизга ҳарф.

Машҳур ҳақимларнинг айтишларига,
Бахтиёр турмушнинг бешта шарти бор:
Тинчлик, саломатлик, етарли маош,
Яхши дўсту яна гўзал хулқли ёр.

Душман билан дўстлик ҳалдини бил то
Душманинг қўлини шилмасин дўстинг.
Дўстингга ҳам ортиқ айлама жафо,
Душманга юқиниб бормасин дўстинг.

Яхшилик айлагил, олдиндан чиқар,
Ёмонлик қилма, оёқдан йиқар.

Китобдан яхши дўст бўлмас

ёзади муаллиф ва фикрини ўзбек адиблари ва уларнинг маълум асарлари мисолида далиллашга интилади. Р.Абдуллаевнинг таъкидлашича, Шиллер асарларининг таржимаси ўзбек драматургиясининг тар-раққийида тугган ўрни ва аҳа-ми-яни шoir яшаган муҳит ва унинг фалсафий-эстетик қарашлари билан уйғун тарзда тадқиқ этилган.

Мустақиллик даврида Шиллер асарлари аслиятдан таржима қилина бошланди. Адининг ада-бий меросига бағишланган маъ-рузалар ўқилди, монографиялар ва диссертациялар ёзилди.

Мазкур бода, шунингдек, Шиллер драматик асарлари тар-жимасининг бадий хусусиятла-ри ва лингвопоэтик таҳлили “Макр ва муҳаббат”, “Қароқчи-

лар”, “Мария Стюарт” асарлари мисолида амалга оширилган. Муаллиф таржима-қиятти жиҳатлари билан бира, қамчи-ликларини ҳам кўр-сатиб ўтган. Бунда таржимага асос қилиб олинган рус-ча варианты, асар-ларнинг аслияти ва ўзбек тилидаги ва-ри-антлари қиёслаб текширилган тад-қиқотнинг қимматли жиҳатларидандир.

Монографиянинг “Фридрих Шиллер адабий меросининг ўзбек ёзу-чиларига таъсири” деб номлан-ган иккинчи бобида Шиллер ада-бий меросидан таъсирланиш, тажрибасидан фойдаланиш, аъ-аналарни ўзлаштириш ва давом эттириш ҳаракатларига эътибор қаратилади. “Баъзи ижодкорлар таржима қилиш жараёнида таъ-сирланса, аксарият ижодкорлар асарини сахнада қўриб таъсир-ланганлар. Яна бир тоифа ижод-корлар борки, таъсирланганла-рини сезмаганлар ҳам”, деб

“ЁШЛИК”

2014 йил, 11-сон

“Жаннатмақом устозимиз Зулфояхоним, том маънода, улкан шахс эди. Биз — шо-гирдлар учун ҳеч қачон оддий одамга ай-ланиб қолмасдилар. Ҳар сафар ҳузурла-рига борганимизда худди имтиҳонга, си-новга бораётгандек ҳаяжон билан борар-дик”, деб ёзади шоира Қутлибека Раҳим-боева “Саксон йил ловуллб сўнмаган ўт...” сарлавҳали мақоласида. Атоқли шо-иранинг ижодий меросидан танланган бир туркум шеър ҳам журналнинг ушбу бори-да босилган.

Носирлардан Шерзод Халил, Абдулла Аҳмад ва Насиба Абдуллаевнинг ҳикояла-

ЮРТ ТАРОНАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона-си нашриётида таниқли шоир Мирполат Мирзониинг “Най” ном-ли янги тўплами чоп этилди. Унда муаллифининг аввалги маж-муаларига қирмаган, кейинги йилларда битган шеърлари жамланган.

Айтиш, ярамлики шу қадим дунё,
Ўтганим ундан ҳеч бағри қуймаган!
Одам бир кун найин этиб ихтиро,
Дардларини илк бор найда

қўйлаган —
деб ёзади шоир “Най” шеъри-да.

Китобга ёзган сўзбошида профессор Ҳ.Болтабоев ушбу шеър ёзилишига туртки берган ҳаётини омил ҳақида шундай дей-ди: “Шoirни найча Мурожат қилишга ундаган куч Самарқанд шаҳридаги Тарих музейида уч минг йиллик най сақланаётгани ва у ихтиро этилгандан бери ин-сон дардларини куйчисига ай-ланганидир”.

Китобда табиат манзаралари, фасллар чиройи тараннум этил-

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

“Инсонни излаган” Диоген бошқа ҳақиқат изловчилардан до-норокдир. Негаки фақат инсонни топибгина ҳақиқатга эришиш мумкин.

Бернар ДАДЬЕ

Назаримда, ҳозирги замон япон ёзувчилари руҳий эркинлиги-ни йўқотиб қўйгандек. Бу мени ташвишлантиради. Улар кўпроқ боши билан ёзади, юраги билан эмас.

Кунида ДОППО

Ҳомер замонларидан бери адабиётнинг олдида иккита талаб қўйиб келинади — биринчидан, асарда сюжет бўлиши керак, ик-кинчидан, характер яратилмоғи шарт. Инсон табиати нихоятда секинлик билан ўзгарадиган хилқатки, минг йил илгари рўй бер-ган воқеа тасвири кунча содир бўлгандек қабул қилинади.

Жон ГОЛСУОРСИ

ИНСОННИ ИЗЛАШ, ИНСОННИ ТОПИШ

Момикдай оппоқ қор ёки қумшдай ярқираган ой чиройига маҳ-лиё бўлганимда... гўзаллик билан учрашиб завқ ва ҳузурга тўлиб-тошганда беихтиёр дўстингни соғинасан, уни кўргинг келади: се-винчингни у билан баҳам кўрмоқ истайсан. Гўзаллик билан учра-шув кучли ҳамдардлик ҳиссини, меҳр-шафқат туйғусини уйғота-ди ва шунда “дўст” сўзи “инсон”дек жаранглайди.

Ясунари КАВАБАТА

Бахтли, саодатли ҳаёт шароитига эришганда ҳатто даҳо ижод-корнинг ҳам фаолияти сусаяди, дейишади. Йўқ, яратилган қўллаб гўзал асарлар фаровонлик самараларидир. Масалан, Рабле фа-қат истироҳат чоғларида ижод қилган бўлса, Рафаэл Рим ҳазина-сидан баҳраманд бўлган. Монтескье, Бюффон, Вольтер бой-ба-давлат эди. Файласуф Бэкон давлатда юқори лавозимда ўтирган.

Оноре де БАЛЬЗАК

Поэзия воқеликка тақлид эмас, воқеликнинг талқини, тафсири ҳам эмас. Поэзия — ўз-ўзича воқелиқдор, ҳаётини воқелиқдан кўра юксакроқ даражадаги воқелиқдор... яхши шеър — китобхон шу-рида портлайдиган сиқик воқелиқдор.

Эрлинг КРИСТИ

Ишончим қомилки, гўзаллик сирини кашф этиш насиб қилган-да, табиатнинг иродасини англаш имкони тўғилганда — ана шун-да яшайдан мақсад ҳам тўла ойдинлашади.

Мусякодзи САНЗАСУ

ган, узокда қолган муҳаббат со-гинчи, армонли туйғулар таъ-сирчан ифодаданган “Куз ёмги-ри”, “Йиллар ўтар экан...”, “Буюк матонатга...”, “Сингари шеърлар талайгина.”

Бирок бу шеърлар-даги тиниқ чизилган манзаралар, лирик кечинмалар талқини кўнгилга нечоғли яқин бўлмасин, тўпламда Ватан мавзуси етакчи экани бир ўқишдаёқ аён бўлади. Ушбу аъ-анавий, қутлуг мавзу-га шoir ўзига хос усулда ёндашиб, Ва-тан тушунчасининг, таъбир жоиз бўлса, икки хил мазмундаги

лантириш усули воситасида ёркин ифодалаган: “Кимлардир ховлисин айлар чўл-тақир, Биз-лар ундиримиз савроҳда боғлар”, “Кимлардир дунёни этмоқ-чун барбод, Зимдан қабиҳ ният касларни қўллар. Бизлар дўст дийдорин соғиниб бот-бот, Қураимиз мухташам кўприқлар, йўллар”.

Юқорида айтгани-миздек, М.Мирзо шеърларида Ватан мавзусининг иккинчи хил талқинини “Адаш-ган”, “Уч қисмат” син-гари шеърларда куза-тамиз. Чунони, уч қисмдан таркиб топ-ган “Уч қисмат” шеъ-рида турли вақт ва сабабларга кўра ватанин тарқ этган киши-ларнинг ачинарли қисмати ҳар хил бадий услубда тасвирлан-ган. Шеърнинг биринчи қисми-да публицистик оҳанг етакчи бўлса, қолганлари кўпроқ эпик жанрга хос услубда битилган. Асар композициясидаги тадри-жийлик, Ватан мавзуси бу уқлик-ни бирлаштириб турган етакчи хусусият.


Ушбу ўзига хос триптихнинг яхлитлигини таъминлаб турган иккинчи жиҳат бу — Ватан қадри тушунчаси.

Тонгда ўрик гулларига бурканган юртинг тушингта қирганин эслар экансан, қўларингдан оққан шашқатор ёшдан ёстигинг жикда хўл бўлмоғи керак.

М.Мирзониинг “Най” тўплами-даги аксар шеърларда шoir она юрт қадрини баланд тутмоққа, унга меҳр-муҳаббат, садоқат эти-лан хизмат қилмоққа даъват ба-дики, аслида ҳам инсон бахти, саодатини Ватандан айри ҳолда тасаввуф этиб бўлмайди.

Қодиржон НОСИРОВ,
Наманган давлат универ-ситети доценти

Журналларни вақтда



таржимаси) ва Эрнест Хемингуэйнинг “Ёлғизлик” ҳикоялари (Т.Тангрибергенов таржимаси) эълон қилинган.

Тадқиқотчи Марҳаб Қўчқо-рованин “Икки ҳовуч нур” ма-қоласида ёзувчи Қўчқор Норқ-обил ҳикояси ҳақида мулоҳаза юритилган бўлса, Қамола Бо-тирова ва Аҳмад Абдуллаев ма-қолаларида бугунги шеърятда бўй кўрсатаётган изланишлар қузатилади. Вазира Иброҳимо-ванин “Қўрмаганин кўргани” ҳажвийси ўқувчилар эътибори-ни тортади.

ШИЛЛЕР САБОҚЛАРИ

тарзда бажарилган ўрганилган, таржималарнинг бадий хусуси-ятлари, лингвопоэтик таҳлили амалга оширилган.

Олима Шиллер ижодининг таъсирини ўрганиш мақсадида қўллаб илмий нашрлар, жумла-дан, немис тадқиқотчилари, рус ва ўзбек шиллершунослари иш-лари, илмий-фалсафий, эстетик-педагогик аспектдаги асарларга эътибор билан ёндашгани ушбу бода кўзга ташланади.

Муаллифининг ёзишича, Шил-лер асарларининг Ўзбекистон-да тарқалишида Ғози Юнус, Чўлпон, Хуршид, А.Аюб, Н.Вази-ханов каби сўз усталари фаол-лик кўрсатилган. Адиб драма-ларига хос кўтаринки руҳ зами-ридаги немис халқининг озоёён этишда театр жамоаларининг хизмати катта бўлган. Хусусан, театрда ўша пайтда адабий эмакдош бўлиб ишлаган Чўлпон ҳар бир асар таржимасини син-чиқлаб кўздан кечирган.

Р.Абдуллаева Шиллер драма-ларининг илк таржималари ва сахнага қўйилиши ҳақида ба-тафсил маълумот беради. Чу-нончи, “Қароқчилар”, “Макр ва

К.Яшин ва М.Ҳаким таржимаси-да ҳам томошабинлар олқиши-ни олгани аниқ тар-ихий саналар, манба-лар асосида изоҳлан-ган.

Адабиётшунос Шиллер ижодининг Ўзбекистонда ўргани-лиши тарихини уч бос-қичга бўлиб тадқиқ эт-ган. Биринчи босқи-1920 — 1950 йиллар-ни ўз ичига олади. Бу давр шиллершуносли-ги тадқиқида Р.Абдул-лаева икки тенден-цияга эътибор қарата-ди. Биринчиси, Шил-лер асарларининг ўзбек тили-га таржима қилиниши ва труп-палар томонидан сахнага қўйи-лиши, иккинчиси, Шиллер дра-малари (“Макр ва муҳаббат”, “Қароқчилар”)нинг ўзбек тили-да қайта яратилиши билан бо-лиқ жараёндир.

Муаллиф ўтган асрнинг 50-йилларидан эътиборан адабиёт-шунослиқда ўзбек шиллершу-нослиги махсус илм тармоғи си-фатида юзага кела бошлагани-ни К.Яшиннинг “Қароқчилар”,

Ф.Сулаймонованин “Шиллер — буюк немис шоири” мақолалари таҳлилий орқали шарҳлади. Р.Аб-дуллаевнинг таъкидлашича, Шиллер асарларининг таржимаси ўзбек драматургиясининг тар-раққийида тугган ўрни ва аҳа-ми-яни шoir яшаган муҳит ва унинг фалсафий-эстетик қарашлари билан уйғун тарзда тадқиқ этилган.

Мустақиллик даврида Шиллер асарлари аслиятдан таржима қилина бошланди. Адининг ада-бий меросига бағишланган маъ-рузалар ўқилди, монографиялар ва диссертациялар ёзилди.

Мазкур бода, шунингдек, Шиллер драматик асарлари тар-жимасининг бадий хусусиятла-ри ва лингвопоэтик таҳлили “Макр ва муҳаббат”, “Қароқчи-

лар”, “Мария Стюарт” асарлари мисолида амалга оширилган. Муаллиф таржима-қиятти жиҳатлари билан бира, қамчи-ликларини ҳам кўр-сатиб ўтган. Бунда таржимага асос қилиб олинган рус-ча варианты, асар-ларнинг аслияти ва ўзбек тилидаги ва-ри-антлари қиёслаб текширилган тад-қиқотнинг қимматли жиҳатларидандир.

Монографиянинг “Фридрих Шиллер адабий меросининг ўзбек ёзу-чиларига таъсири” деб номлан-ган иккинчи бобида Шиллер ада-бий меросидан таъсирланиш, тажрибасидан фойдаланиш, аъ-аналарни ўзлаштириш ва давом эттириш ҳаракатларига эътибор қаратилади. “Баъзи ижодкорлар таржима қилиш жараёнида таъ-сирланса, аксарият ижодкорлар асарини сахнада қўриб таъсир-ланганлар. Яна бир тоифа ижод-корлар борки, таъсирланганла-рини сезмаганлар ҳам”, деб



Ф.Сулаймонованин “Шиллер — буюк немис шоири” мақолалари таҳлилий орқали шарҳлади. Р.Аб-дуллаевнинг таъкидлашича, Шиллер асарларининг таржимаси ўзбек драматургиясининг тар-раққийида тугган ўрни ва аҳа-ми-яни шoir яшаган муҳит ва унинг фалсафий-эстетик қарашлари билан уйғун тарзда тадқиқ этилган.

Вилотларда фаолият олиб бораётган барча театрлар бугунги куннинг долзарб муаммолари акс этган асарларни сахналаштириб, томошабинларни фикрлашга чорлайдиган спектакллар яратиш йўлида изланмоқдалар.

Жумладан, Фаргона вилотидаги Қўқон шаҳар ўзбек давлат мусиқали драма театри жамоаси ҳам сўнгги йилларда бир қатор янги асарларни сахнага олиб чиқди. Хайитмат Расулнинг "Жон десанг, жоним берай", Тавфик Ал-Ҳакимнинг "Нишонга теккан ўқ", Рўзимбой Алланазаровнинг "Зумрашанинг саргузаштлари" каби асарлар асосидagi спектакллар бунинг исботидир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр Мадминжон Жўраев сахналаштирган беш кўринишли "Жон десанг, жоним берай" номли мусиқали томо-

да ўлчайдиган, ким нима деса, ортидан эргашиб кетаверадиган кимса сифатида тасвирланади.

Спектаклнинг таъсир кучини оширишда Муниса Деҳқонова ижросидаги Зулфизар образи алоҳида аҳамият касб этади. Ёш актриса ижросида Зулфизар ота-она касбини давом эттириш мақсадида актёрлик соҳасини танлаган, айна вақтда Сарвар билан ахду паймон қилган самимий, содда, аммо ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган шижоатли киз қиёфасида намоён бўлади.

Драматург ва режиссёрнинг му-

шида Ҳасанали (Ақромжон Анваров)нинг табиий ҳолатида, ўзи дутор чертиб, ширали овозда қўшиқ куйлаб, залда ҳосил қилган кўтаринки муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Актриса Муниса Деҳқонованинг Лўли қиёфасида кўриниши ҳам томошабинда ишонсизлик туғдиради. Назаримизда, ушбу сахна устида изланишни давом эттириш лозим. Хусан Орифжоновнинг биринчи сахнадаги ҳаракатлари тўла асосланмаган. Яъни томошабин унинг театр режиссёри эканини англаб олиши биров мушкул. Ваҳоланки, спектаклнинг биринчи сахнасида томошабинни ўзига жалб этган актёрларнинг ички кечинма ва туйғуларини томоша охиригача сақлаб қолиш, турмуш ташвишлари ва касбга фидойиликни янада таъсирлироқ очиб бериш мумкин эди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Азимжон

матова ижросидаги Хотин хатти-ҳаракатларида бахт ва бахтсизлик тўла намоён бўлади.

Спектакл ютуғини таъминлашда Собир Розиков яратган Агент образи алоҳида аҳамият касб этган. Эрининг тақлифига кўра унинг жонини суғурта қилишга келган Агент — С.Розиков ўзи истамаган ҳолда ноқулай аҳволга тушиб қолади. Томо-

Талқин ва таҳлил

ша давомиди қаҳрамонлар характерининг бир-бирига ўхшаб қолгани, декорацияда спектакл муҳити етарли аксини топмагани кўзга ташланади. Ақсинча, спектакл учун чизилган безаклар томошабин эътиборини воқеалар тизимидан қалғитади, холос. Ёш актриса Муниса Деҳқонова яратган кўриниш киз қиёфаси ва характерини устида яна ишлаши лозим. Чунки воқеалар давомиди актрисанинг хатти-ҳаракатларида, сўзлашиш оҳанглирида руҳий беморга хос аломатлар, ўзгаришлар сезилмайди.

Спектаклларни кузатиб, жамоа аъзолари билан суҳбатлашиб, шунга амин бўлдики, бугунги кунда Қўқон театрида ёш ижодкорларга кенг имконият яратилган, тажрибали устоз санъаткорлар уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, ёнма-ён ижод қилишлари, ёшларга мунтазам маҳорат дарслари ўқитилар. Бу жараёнинг самараси Рўзимбой Алланазаров сахналаштирган "Зумрашанинг саргузаштлари" номли болаларга мўлжалланган спектаклда яққол намоён бўлди. Асардаги асосий қаҳрамонларни, ҳатто Чол ва Кампир образларини ҳам ёш актёрлар ижро этган. Меҳр-оқибат, дўстлик туйғуларини тараннум этилган мазкур спектаклда режиссёр актёрлар ансамблини яратолган. Иқбол Низоов ижросидаги Зумраша, Муродали Турғунов ўйнаган Бўри ҳамда Ғайрат Аҳмедовнинг Чол, Муниса Деҳқонова яратган Кампир ва Тулки образлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ёшлардаги истеъдод, шаклланиб бораётган маҳорат бир спектаклда икки хил қиёфа яратган М.Деҳқонова ижросида кўзга ташланади. Албатта, ёшлар ижросида баъзи бир жузвий камчиликлар учрайди. Буларни спектакллар намоиши давомидида бемалол тузатиш имкони бор. Ёш асосийси, Қўқон театрида ижодий муштараклик, ўзаро ҳамжиҳатлик муштақамлиги, устоз-шогирд аънавалари изчил давом этмоқда.

Фахриддин АБДУВОХИДОВ,
санъатшунос

САНЪАТИМ — МУҲАББАТИМ

Юртимизнинг истеъдодли ёшларига ҳавас қилса арзийди. Улар қайси соҳани танламасин, ҳамма шарт-шароит муҳайё, имкониятлар эшиги очик.

Аксарият ёшлар бу шароитлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилипти. Миллий рақс санъатимизнинг умидли вакилларидаан Муҳаббат Қурбоновани ана шундай ёшлар сирасига киритиш мумкин. Янги йил арафасида санъаткор дил сўзларини шундай изҳор этди:

— Одамга бир омад келса, қўша-қўша келади, деганлари рост экан. Рақс санъати менинг ҳаётимни беади. Шу санъатга астойдил муҳаббатим туфайли 2007 йил Президентимиз ёш истеъдодлар учун таъсис этган "Нихол" мукофоти совриндори бўлдим. 2011 йили Санъат ва маданият институтининг магистратура бўлимини муваффақиятли тугатдим. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида кўплаб юртдошларим қатори қувончли хабардан ўзимда йўқ шод бўлдим. Мендек оддий раққосанинг меҳнати "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" деган юксак унвонга муносиб кўрилгани қалбимни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдириб юборди.

Бу мукофот, энг аввало, ота-онамнинг меҳнатлари самараси, деб биламан. Қўлимдан етаклаб олий рақс мактабига олиб борган, санъат йўлидаги барча изланиш ва машаққатларимга шерик бўлган онамдан миннатдорман. Яна синглим Маликанинг, устозларим Карима Узоқова, Гулнора Маваева ва бошқа рақс усталарининг хизматларини ҳам айтиб ўтишим керак.

Президентимизнинг ёшларга ишонч ва ғамхўрликлари, ҳукуматимиз томонидан бизга яратилаётган шарт-шароитлар, айниқса, юксак унвон соҳиб бўлиш зиммамага катта масъулият юклайди.

Қўпчилик қизлар раққоса бўлишни хоҳлашади. Лекин бу соҳанинг ҳақиқий соҳиб бўлиш учун хоҳиш, муҳаббат ва истеъдоднинг ўзигина камлик қилади. Ҳар кун машқ қилиш, техник маҳоратни ошириш устида ишлаш учун ирода, сабр-тоқат, кучли меҳр-муҳаббат ва фидойилик талаб қилинади. Бунинг барчасига эса меҳрибон, тажрибали устозлар кўмагида эришиш мумкин. Фаолиятим давомидида бунга тобора ишонч ҳосил қилишман. Чунки бир нечта ҳаваскор қизлар билан ишлашимга тўғри келди. Қўлимдан келганча устозларимдан ўрганганларимни улар билан баҳам қўришга ҳаракат қилдим. Ҳозирги кунда уларнинг баъзилари рақс дасталарида ишлаяпти.

Ўзим ҳам устоз санъаткорлар сахналаштирган рақсларни уларнинг шогирдларидан ўрганганимдан хурсандман. Устоз кўрган ва уларнинг ўғитларидан баҳраманд бўлганлар билан ишлаш биз ёшлар учун жуда катта тажриба мактабидир. Ҳозир репертуаримда ўзбек миллий рақсларидан ташқари испанча, грузинча, ҳиндча, арманча ва бошқа кўпгина халқлар рақслари бор. Бундан ташқари, кўплаб клипларда турли қўшиқларга



рақс ижро этганман. Қарда раққоса тушмай, сахнадами, концерт тадбирларида ёки клипдами, ҳамиша ўзбек рақсидаги миллий ўзига хосликни сақлаб қолишга, малака ва маҳоратга эришишга ҳаракат қилишман. Айниқса, либосга жиддий эътибор бераман. Назаримда, сўнгги пайтларда раққосаларимизда ҳашамдорликка, ортиқча ялтир-юлтирга эътибор кучайгандек. Очиги, ўзим ҳам ҳашамдорликни ёқтирадим. Ҳозир эса кўпроқ миллий, оддий ва сипо кийинишга ҳаракат қиламан. Раққоса ҳамиша мусиқа ва қўшиқнинг маъносидан келиб чиққан ҳолда рақсга тушиши керак.

Ҳаётимнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қоладиган 2014 йил ижодимда ҳам янги-янги саҳифалар очилишига тўғри келди. Кириб келаётган янги йилдан умидларим катта. Аввало, репертуаримни бойитиш, дунё халқлари рақсларини ўрганишда давом этишни ният қилганман. Қолаверса, ўзбек эркаклар рақси ривожланишини чин дилдан истайман. Чунки бу борада яхшигина мактабимиз ва номи юртимиздан ташқарида ҳам маълум раққосларимиз бор.

Синглим Малика Қурбонова ҳам яхшигина раққоса. Келажакда синглим билан биргаликда ансамбл тузиб, ўзбек миллий рақс санъати ривожига ҳисса қўлишни мақсад қилганмиз. Президентимизнинг, юртдошларимизнинг ишончи бизга мадад бўлиб, ниятларимиз амалга ошди, деб ўйлайман. Кириб келаётган янги — 2015 йил Юртбошимиз томонидан Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинган экан, албатта, ўз номи билан баракали, хосиятли кечиси муқаррар. Чунки кексалари эъзоз ва эҳтиромда бўлган юрт файзли ва фаровон бўлади.

Дилноза ЗОКИРОВА
ёзиб олди.

ИЗЛАНИШ ЙЎЛИДА

ша одамларни жиддий фикрлашга, атрофга теран кўз билан нигоҳ ташлашга ундайди. Ақром (И.Турғунов), Дилбар (О.Бегматова), Зулфизар (М.Деҳқонова), Сарвар (Э.Очилдинов) каби образлар орқали инсон кадр-қиммати, орзу-истаклари ва ҳаётда тутган ўрни каби масалалар атрофлича ёритилади. Спектакл воқеалари асар қаҳрамонлари — театр актёрлари Ақром ва Дилбарнинг янги спектакл репетициясидаги ҳолати, яъни фарзанди қатори режиссёрнинг инжиқликларига сабр-тоқат қилиши ҳамда иш тугаган заҳоти оила, турмуш икир-чикирлари гирдобига шўнғиши билан бошланади.

Драматург қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, ўй-ташвишларини тўлароқ очиб бериш мақсадида Тешабой (Х.Ортиқов) ва Меҳринисо (М.Қодирова) оиласидаги ўзаро муносабатларга урғу беради. Воқеалар давомидида улар фарзандлари Садир (К.Йўлдошев)нинг бемаъни сўзлардан антика қўшиқлар "ясаб" айтаётганидан ошқора гурурланиб, буни кўз-кўз қиладилар. Хатто фарзандининг хоҳишини сўрамай, ўз манфаатлари йўлида қариндоши прокурор дея, Ақром ва Дилбарнинг қизи Зулфизарга мажбуран уйлантирмоқчи бўладилар. Тешабой — Х.Ортиқов айна шу сахнада ўз манфаати учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган саводсиз "ота" қиёфасида намоён бўлади. Унинг тарбиясини олган ўғлининг ҳам аниқ фикри йўқ. У санъатнинг таъсир кучини ўз қаричи-



ваффақиятли топилмаларидан бири асар қаҳрамонлари Ақром ва Дилбарнинг уйга келган совчилардан бирор спектаклдан лаҳза тайёрлаб келишни талаб қилиш сахнасида. Айнан шу сахнада актёрликнинг нақадар улуг ва назик касб экани, бу соҳада шунчаки кун ўтказиш учун юриб бўлмаслиги ўз исботини топади.

Спектакл давомидида режиссёр талқини ва актёрлар ижросида ютуқлар билан бирга, баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Мусиқий томоша жанридаги мазкур спектаклда бир неча қўшиқлар фонограмма орқали янграйди. Бу эса спектакл бошлани-

Азизов сахналаштирган "Нишонга теккан ўқ" спектаклида бир оила мисолида оила тинчи, ўзаро меҳр, садоқат, ишонч каби инсоний туйғулар тараннум этилади. Воқеалар давомидида Эр (Онунали Халилов) ва Хотин (Одина Бегматова)нинг ширин турмуши, бахтли ҳаёти руҳий касал қўшни қиз (Муниса Деҳқонова)нинг аралашуви туфайли зулматга айланади. Томоша қисқасига воқеалик асосига қўрилган бўлса-да, жамият таянчи бўлган фаровон оила биргина ёлгон ёки ишонсизлик туфайли барбод бўлиши ҳаётий мисоллар орқали ишонарли кўрсатиб берилади. Айниқса, Ю.Халилов ижросидаги Эр, О.Бег-

“ОНАМ АЙТГАН АЛЛАЛАР”

Инсон умри давомидида кўплаб қуйларни эшитди. Лекин уларнинг ҳеч бири муштирап волидамиз хиргойи қилган аллачакки эмас. Аллаларда энг гўзал ва соҳир фазилатлар, Ватанга, элу юртга садоқат мужассам. Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган "Онам айтган аллалар" фестивалида иштирок этган санъат ихлосмандлари ҳам ана шу эзгу туйғуларнинг гўзал талқинларидан баҳраманд бўлишди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирдан қўзланган асосий мақсад миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқ озгаки ижоди дурдонаси бўлган алла жанрини ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган.

Фестивалда халқ ардоғидаги таниқли санъаткорлар иштирок этиб, турли алла ай-

тимларини жонли ижрода қуйлашди. Айниқса, Ўзбекистон халқ артистлари Рихси Иброҳимова, Азиза Бегматова, Меҳри Бекжоноваларнинг сахнавий чиқишлари, Муножот Йўлчиева, Замира Суёнова, Матлуба Дадабоева, Гулсанам Мамазоитова сингари хонандалар томонидан айтилган аллалар томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, фестивалда "Нихол" мукофоти совиндори ҳам иштирок этди. Алла айтимлари аънаваний халқ чолғу ансамбли, симфоник оркестр жўрлигида қуйланганини таъкидлаш лозим. Ижрочиларнинг чиқишлари театрлаштирилган сахна кўринишлари билан бойитилгани кечгага файз бағишлади.

Тадбир

Азиз МАТЕКУБОВ

Боболарга эргашиб

Тасвирий санъат галереясида таниқли расм Мурод Қорабоевнинг шахсий кўргазмаси очилди. Экспозициядан муаллифнинг рангтаъсирга оид турли мавзудаги ижод намуналари ўрин олган. "Башанглик", "Тутулиш", "Конкидаги болакай", "Осмон ҳақида йилар" сингари маҳаббатли асарларда қаҳрамонларнинг нафақат ташқи қиёфаси, балки ички дунёси ҳам ҳаққоний очиб берилган. "Олтин балиқ ҳақида эртас" ишидаги манзаралар томошабинларда қизиқиш уйғотди. Унинг ижодий изланишларида Шарқ миниатюрасининг ўзига хос таъсири сезилди.

— Шарқ миниатюрасига ихлосим банд, — дейди расм. — Айниқса, "Бобурнома"га чизилган суратлар, Камолитдин Бехзод миниатюралари қалбимга яқин. Образни табиий ва ўзига хослиги учун турли ранг ва усуллардан фойдаланаман.

Нигоҳ

Кино ва дунё

Вашингтондаги А.Эллиот номидаги халқаро муносабатлар марказида ўзбек киноси кечаси бўлиб ўтди. АҚШ илмий жамоатчилигини халқимиз маданияти, урф-одати ва аънавалари билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган тадбирда таниқли олимлар, маданият арбоблари иштирок этди. Кеча доирасида "Ўзбекфилм" киностудиясида суратга олинган "Ўткан кунлар" бадиий фильми намоиши қилинди. Тадқиқот маркази раҳбари М.Лорэл буюк адиб Абдулла Қодирий романи асосида яратилган ушбу картинани халқимиз маданиятини ўрганишда ўзига хос ижодий манба сифатида баҳолади.

Тадбир якунларига кўра, келгуси йили Вашингтонда юртимиз кино ижодкорлари иштирокида "Ўзбек киноси ҳафталиги"ни ўтказиш режалаштирилди.




Ўзбек хонандаси Гран-при соҳиби

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг умидли хонандаси Рамиз Усмонов Минскда бўлиб ўтган вокал устали халқаро танловининг ғолиби бўлди. Беларус пойтахтида биринчи бор ташкил этилган ушбу санъат анжумани йигирмадан олти мамлакатдан ташкил буюрган бир юз ортиқча яқин истеъдодли хонандалар учун синов майдонига айланди. Қизгин кечган саралаш босқичларидан сўнг ўн бир ижрочи финал беллашувига йўл олди. Улар орасида ўзбекистонлик хонанданинг ёрқин чиқишлари алоҳида эътироф этилди. Жаҳонга машҳур опера ижодкорларидан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра Рамиз Усмонов халқаро танловнинг Гран-при мукофотида сазовор бўлди.



Ижодий ҳамкорлик сари

Ўзбекистон Бадиий академиясида немис тилида нашр этилувчи машҳур "Wostok" журнали вакили, таниқли журналист Петер Франке билан учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот жараёнида ўзбек рассомларининг ижодини Европа мамлакатларида тарғиб қилиш, хориж матбуоти билан алоқаларни кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, Ўзбекистон ва Германия рассомлари ҳамкорлигини янада ривожлантириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди. Тадбир давомидида Бадиий академия раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Ақмал Нур меҳмонларни замонавий ўзбек таъсирий санъатида кечаётган жараёнда, мамлакатимиздаги санъат мактаб ва лицейлари фаолияти билан яқиндан таништирди.



Ўзбекистон ва жаҳон маданияти



"Тановар" японча ижрода

Япониянинг Ибараки префектураси маркази ҳисобланган Мито шаҳрида Ўзбекистон маданияти ва санъати намоишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбир доирасида машҳур япон "Ипак йўли ансамбли" иштиракида концерт дастури намоиши этилди. Унда "Тановар", "Фарғона рубойиси", "Қўнғил таронаси", "Андижонча", "Бухоро гўзали", "Фарғона тоғи", "Лазги" каби миллий рақсларимиз япон ижодкорлари томонидан маҳорат билан ижро этилди. Рақсларнинг жозибаси ва гўзаллиги, табиийки, ҳеч бир санъат ихлосмандини бефарқ қолдирмади. Айниқса, ёрқин рангларга бой миллий либосларимиз йилгиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ансамбл аъзоларидан Такеучи Аико ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, 2009 йили ўзбек рақси ширинлиги ўрганиш мақсадида юртимизга ташриф буюрганини хотирлади. Ижодкорнинг таъкидлашича, ўзбек рақсларини Шарқ халқлари санъатининг тим-соли, дейиш мумкин.

"Baltic Voyage" ғолиблари


Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги Мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари — Дилором Йўлдошева, Давлат Тўлибоев ҳамда Шукрбек Халилов Латвия пойтахти Ригада ўтказилган "Baltic Voyage" халқаро фестивалининг ғолиблари бўлишди. Ўзбекистонлик ёш истеъдод соҳибларининг созандалик маҳоратига баҳо берган ҳакамлар ҳайъати ҳар учала иштирокчини биринчи ўринга лойиқ, деб топди. Улар рубоб, чанг каби миллий созларимиздаги ижролари орқали хорижлик мухлисларни ҳайратга солишди. Таъкидлаш жоизки, бу — чирчиқлик ўқувчиларининг халқаро майдондаги биринчи ғалабаси эмас. Мусиқа ва санъат мактабидида тахсил олаётган ёш мўйқалам соҳиблари ўтган йили Санкт-Петербургда бўлиб ўтган "Дунё ранглари" халқаро фестивалида ҳам юқори ўринларга сазовор бўлган.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК МУСИҚАЛИ ТЕАТРИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган

2015 йил билан муборакбод этади!

Халқимиз қалбида бир-бирига самимий муносабат, саховатпешалик, яратувчанлик, ташаббускор ва бунёдкорлик хислатлари ортиб бораверсин. Янги йил барчамизнинг хонадонларимизга бахт-саодат, фаровонлик, файз-барака олиб келсин. Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!



ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАҚЛАНТИРИШ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни,
улар қатори шинам Ва чиройли уй-жойларни,
саҳоат, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини,
маданият Ва спорт иншоотларини бунёд этаётган,
аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида
кенг кўламли ишларни амалга ошираётган
қурувчию муҳандисларни яқинлашиб келаётган
Янги — 2015 йил билан қизғин кутлайди.

Қадрли ватандошлар!
Яқинлашиб келаётган 2015 йил — Кексаларни
эъзозлаш йили барчангизга муборак бўлсин!
Кўнгилларда неки эзгу ниятлар бўлса, барчаси янги
йилда рўёбга чиқсин! Мустақкам соғлиқ, бахт-омал
ҳеч биримизни тарқ этмасин!

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИДАГИ "ФРАНГИР" МЧЖ ЖАМОАСИ

Янги нашрлар



Ўзбекистон Миллий кутубхонасида атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган "Муҳаббат" номли китоби тақдими бўлди. Филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов бундан 46 йил муқаддам ёзилган "Муҳаббат" қиссасининг яратилиш тарихи, ёзувчининг ёшларга муносабати, ўзига хос ибрати ҳақида фикр юритди. Филология фанлари номзоди, адабиётшунос Усмонжон Қосимов ва ёзувчи Улуғбек Ҳамдам адиб ижодининг ўзига хослиги, роман ва ҳикояларининг тил хусусиятлари ҳақида сўзладилар.

Абдулла Қаҳҳор уй-музеи директори Нодира Исмоилова адибнинг ёзишмалари ва хотиралари ҳақида янги маълумотлар тақдим этди. Уй-музей ходимлари томонидан тайёрланган адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган суратлар кўргазмаси эса иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Шохрух УБАЙДУЛЛАЕВ



"Punkare" ҳикояси қаҳрамонининг гаплари. Тинимсиз меҳнат қилиб, елиб-юғуриб, бироқ ниятига ета олмагани унга алам қилади. Наҳот умр деганлари адоқсиз ташвишлардан иборат бўлса?

Мазкур тўпламга муаллифнинг турли йилларда ёзган, ҳали китоб ҳолида чоп этилмаган асарлари саралаб киритилган. Ҳикояларда тўпламда қадимлар, воқеа-хадисларга гувоҳ бўласиз.

Китобдан жой олган қисса ҳам ҳикоялар каби чуқур таассурот қолдиради. Муаллиф билан суҳбат эса, кўпга са-волларингизга ойдинлик киритади.

Китобга Анвар Намозов, Абдулла Шароповлар муҳаррирлик қилган.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Тошкент қувончлари" бешинчи халқаро болалар расмлари биеннаеси бўлиб ўтди. Бадий академия, Ташки ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари ҳамда "Қамолот" ЕИХ ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбир чинакам санъат байрамига айланди. Биеннаени ўтказишдан асосий мақсад янги иқтидорларни кашф этиш, юртимиз болаларини дунёда-

Руминия, Франция каби мамлакатлар болаларининг ушбу танловга қизиқиши катта бўлди. Танловга қабул қилинган беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болаларнинг уч мингдан ортиқ расмлари Ижод саройини беэа турибди.

— Бугунги кунда қилинаётган барча ишлар фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажагига хизмат қилиши, шубҳасиз. Бешинчи маротаба ўтказилаётган мазкур

Экспозициядан ўрин олган суратлардаги манзара ва қиёфалар болаликка хос бегубор, самимий тасвирланган. Эронлик Шожаи Сабагининг "Бахтли болалар байрами", ўзбекистонлик Моҳира Сидикованиннг "Дўстликсевар", Комила Расулованиннг "Дўстим олдида учиб кетаман", тожикистонлик Суҳроб Дадажоновнинг "Менинг дўстим", латвиялик Мария Бебришинаниннг "Ўзбек рақси" каби суратларида болаларнинг ўзла-

ДУНЁ БОЛАЛАР НИГОҲИДА



А. ПОПОВ олган сурат

ри яшаб турган дунёга муносабатлари акс этган.

— Кўргазмага қўйилган "Ёз" номли расмини яқинда чизган эдим, — дейди санъат мактаби ўқувчиси, ўн бир ёшли Мадина Арзиева. — Суратларим ҳақида тенгдошларим ва расмолар фикрини билиш мен учун жуда муҳим. Шу сабабли биеннаени хар доим интиқлик билан кўтаман.

Кўргазма залларида

Танлов шартига кўра суратлар "Болалик дунёси", "Менинг Ватаним", "Мен яшаётган дунё", "Мен билган Ўзбекистон" каби йўналишларда чизилган. Болаларнинг ишларини уч гуруҳга ажратиш баҳолаш кўзда тутилган. Республикамининг таниқли расмоларидан иборат ҳайъат аъзолари кўргазмадаги расмларни баҳолаб борадилар.

Тадбирнинг тантанали ёпилиш маросимида болалар биеннаеси ғолиби бош соврин — Гран-при, "Мавзуни энг яхши ёритгани учун", "Профессиялар маҳорат учун", "Ижодий фантазия учун" сингари йўналишлар ғолиблари эса еттидан олтин, кумуш, бронза медаллари, эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирландилар.

Сарвара ҚОСИМОВА

Журналларни варақлаганда

"ЕР ЮЗИ"

2014 йил, ноябр-декабр

Адабий-бадий, ижтимоий-маърифий журналнинг ушбу сони Раъно Зияеваниннг "Темурийлар тарихи давлат музейи" номли мақоласи билан очилди. "Чет тилларга таржима учун тавсия" руқни остида Саккокийнинг ғазаллари, "Ўзбек тилига таржима учун тавсия" руқнида Нобел мукофоти совриндори, инглиз тилида ижод қиладиган ҳиндистонлик ёзувчи Видиаадхар Суражирасад Наипаулнинг "Номсиз нарсаси" ҳикояси ўқувчини қизиқтириши шубҳасиз. Шунингдек, "Устоз таржимон" руқнида Эркин Носиров тажима қилган Теодор Драйзернинг "Бахти-қаро Керри" романидан парча берилган. "Назм" ва "Наср" руқларида таниқли шоир Муҳиддин Омоннинг туркум шеърлари ҳамда Барно Султонованиннг "Олмалар" номли ҳикояси ўқувчини беэътибор қолдирмайди.

Мустақилликнинг илк кунларидаёқ ёш ижодкорларга катта имкониятлар яратилди. "Тил билган — эл билди" деганларидек, кейинги йилларда ёшларимиз икки-уч тилда эркин мулоқот қилиб, дунёнинг машҳур ёзувчиларининг асарларини таржима қилишмоқда. Журналда ёзувчи Мануэль Роҳаснинг "Жиноятчи" ҳикоясини Мадина Бахшўллаева таржимасида, немис адабиётининг етук вакили Франц Кафканиннг "Шоқоллар ва араблар" ҳикоясини Туроббек Қозоқов таржимасида ўқишингиз мумкин. Шунингдек, мазкур руқда ёш ижодкорлар Жўрабек Жаҳоннинг туркум шеърлари, Санжар Турсуновнинг "Полвон" ҳикояси ҳам эълон қилинган.

Журналнинг "Янги таржималар", "Фалсафа", "Табиат мўъжизалари" руқлари остида эълон қилинган мақола, ҳикоя ва тадқиқотлар ўқувчига завқ бағишлайди.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ

Газетаниннг навбатдаги сони 2015 йил 1 январ куни чиқади

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ХОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Тақдид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган қўйғазмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Санжар ТУРСУНОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.08

Газети Ўзбекистон Матбуоти ва ахборот асептлашида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 7603 Буюртма Г — 1257. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

